АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ва ҚОНУН

2002 йил
10 ДЕКАБР
сешанба
№ 49 (305)
Сотувда
эркин
нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

Bizning sharh

ИМТИЁЗ ВА ҚУЛАЙЛИК

Яқинда матбуотда Вазирлар Маҳкамасининг "Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарор юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишида қўйиладиган талабларни бир хиллаштириш, савдо корхоналарининг савдо операциялари юзасидан иқтисодий ва мулкий жавобгарлигини оширишга қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қарорга биноан шу йилнинг 1 декабрдан бошлаб улгуржи савдо фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар амалга ошириладиган савдо операциялари юзасидан иқтисодий ва мулкий жавобгарликни таъминлайдиган миқдорларда устав жамғармаси ва бошқа активларга эга бўлиш шарти белгиланди. Шундан келиб чиққан ҳолда ихтиёрида тегишли моддий-техник базага (ўз омборхоналари ва асбоб-анжомларига) эга бўлган ҳамда рўйхатдан ўтказиш вақтида энг кам ойлик иш ҳақининг камида 6000 баравари, шундан пул маблағлари энг кам ойлик иш ҳақининг камида 2000 баравари миқдоридаги устав жамғармасини шакллантирган юридик шахслар улгуржи савдони амалга оширишга рухсат гувоҳномаси олиш ҳуқуқига эга эканликлари белгилаб қўйилди. Шунингдек, мазкур қарорда буюм бозорларида истеъмол товарлари билан чакана савдо қилиш белгиланган тартибга якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтказилган, чакана савдо ҳуқуқига ва экспрот-импорт операцияларини ўтказишга рухсат гувоҳномасига эга бўлган жисмоний шахслар томонидан "Эркин муомалага чиқариш" режимида расмийлаштирилган юк божхона декларацияси, мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлган, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар тўланган тақдирдагина амалга оширилиши мумкинлиги, бунда импорт истеъмол товарларини олиб келиш ва уларни божхонада расмийлаштириш жисмоний шахслар якка тартибдаги тадбиркорларнинг ўзлари томонидан амалга оширилиши шарт эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу қарорга мувофиқ, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг болалар, ўқув ва тиббиёт муассасалари яқинида жойлашган дўконларда алкоголли маҳсулотлар сотишга рухсат гувоҳномалари бериши таъқиқлаб қўйилди. Ушбу қарор билан "Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низом ҳам тасдиқланди.

Мазкур Низом юридик шахслар томонидан улгуржи савдони рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартибини, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар томонидан чакана савдони рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартибини белгиловчи қоидаларни ўзида акс эттирди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур Низом ўзлари маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва сотувчи юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди. Бундан ташқари, мазкур Низомда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган айрим тушунчаларга аниқлик киритилди. Хусусан, бозор улгуржи савдо, чакана савдо, турғун чакана савдо шохобчаси каби тушунчаларнинг аниқ таърифи берилди.

Улгуржи савдони рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби юридик шахслар томонидан чакана савдони рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш, юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чакана савдони рўйхатдан ўтказиш ва турғун чакана савдо шахобчалари орқали амалга ошириш тартиблари белгиланди ва мазкур тадбиркорлик фаолияти турлари билан шуғулланиш учун махсус рухсат гувоҳномалари жорий этилди.

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар учун улгуржи савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномаси уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга, юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар учун чакана савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномаси эса ҳар бир турғун чакана савдо шаҳобчасига икки йилдан ортиқ бўлмаган муддатга, юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар учун турғун чакана савдо шахобчалари орқали чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномаси бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга, юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар учун буюм бозорларида чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномаси уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга берилиши белгилаб қўйилди.

Хулоса шуки, Вазирлар Маҳкамасининг янги қарори тадбиркорларга янги қулайликлар яратди. Бу эса мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб берилаётганининг яна бир ёрқин исботидир.

Акмал БУРҲОНОВ,
ҳуқуқшунос

Инсон атрофини ўраб турган табиат илоҳий қонуниятга бўйсунади: баҳор яшнатади, ёз саратон чилласида тоблайди, куз сарҳисоб қилади, қиш донишона ўйга чўмади... Ушбу азалий ва абадий халқа бир бутунликни бунёд этади. Унда олам-олам маъно ва ҳикмат мужассам. Мана бу суратга разм солинг: бамисоли она ер каби оқликка бурканган анор юксакликда ажиб бир виқор ва ақл бовар қилмас манзара касб этган. Беихтиёр ўйланиб қоласан киши: инсон умри анор тақдирига қанчалик туташ? Яшаш ва юксакликка бўлган чексиз интилиш, собитлик, камолот баробарида муқаррар омонатлик — ўткинчилик туйғуси.

Қор қўйнидаги хурмога назар солинг. Азал нақкошнинг санъат намуналари. Одатий ва бетакрор тасвирлар. Улар бағридаги ҳикматни англаш учун теран нигоҳ ва қордек поклик, масъумлик талаб этилади, холос.





5 декабр куни Оқсарой қароргоҳида Истиқлолимизнинг 11 йиллик тўйи арафасида Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган юртдошларимизга ана шу мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

* * *

Пойтахтимизнинг муҳташам "Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

Самарқанддаги "Самкочавто" қўшма корхонасида Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, Германиянинг "Ивеко-Магирус" фирмаси билан ҳамкорликда ёнғинга қарши курашда фойдаланилад[illegible]ган махсус машина ишлаб [illegible]қариш йўлга қўйилди.

* * *

Олий Мажлисда "Омбудсман институтининг икки палатали парламент шароитидаги фаолияти ва унинг Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини ривожлантиришдаги ўрни" мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

* * *

Тошкент давлат юридик институтида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: давлат ва жамият ислоҳотининг ҳуқуқий асоси" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

* * *

"Асакабанк" ва халқаро молия корпорацияси (IFS) ўртасида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини молиялаш бўйича 5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит битими имзоланди.

* * *

Франция пойтахти Париж шаҳрида дунё ҳунарманд аёлларининг йирик анжумани бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик тадбиркор аёллар ҳам муваффақиятли иштирок этишди.

Qutlov

Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига биноан кўпгина ҳамюртларимиз қатори адлия ва суд идоралари ходимларидан бир гуруҳи ҳам давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди. Куни-кеча — Конституциямиз байрами олдидан Адлия вазирлигида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Адлия вазири А.Полвон-зода мукофатларни эгаларига топширар экан, тақдирланганларни яна бир бор қутлаб, келгуси фаолиятларида муваффақиятлар тилади.

Суратда: мукофотланганларнинг бир гуруҳи

Qonun ko`magi

ЎТМАГАН БАҲОНА

ЁХУД НАМАНГАНЛИК СОЛИҚЧИЛАР ТАДБИРКОРНИ АЛДАШОЛМАДИ

Наманган туман давлат солиқ инспкцияси томонидан амалдаги қонун талабларига мувофиқ тумандаги "Нодиршоҳ" кўп тармоқли хусусий фирмасида шу йил 21 август куни қисқа муддатли текшириш ўтказиш белгиланди. Бу вазифа туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари М.Умаров ва А.Мусаевга юклатилди. Туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг 31 август куни чиқарилган 185-сонли буйруғида кўрсатилишича, улар хусусий фирмада бир иш куни давомида текшириш ўтказиши лозим эди. Бироқ улар 21 август куни кеч чоат 19 ларда фирмага етиб боришди. Улар фирмадагиларга бошлиқларининг буйруғини кўрсатиб, текшириш ўтказиш лозимлигини айтишади. Шунда тадбиркор Абдураҳмон Мажихонов уларнинг қўлига ",Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"ни тутқазади. Бироқ солиқчилар уни тўлғазишмади. Бунинг ўрнига фирманинг касса аппаратини текширишади. Текширишда унда 20763 сўмлик нақд пул мавжудлиги аниқланади. Бу ҳақда зудлик билан касса далолатномаси тузилади. Шунингдек, текширувчилар касса аппаратига 5000 сўм киримнинг қилинмаганини ҳам қайд этишади. Шундан сўнг солиқчилар "Иш вақти тугади. Текширишни энди эртага давом эттирамиз", дейишадида, бироқ бажарган ишлари ҳақида ҳеч қандай далолатнома тузишмайди. Эртаси куни тушликдан кейин эса фирмага Адҳам Мусаевнинг бир ўзи келади. У касса аппаратининг даврий ҳисобот кўрсаткичини олиш учун мутахассисга кўрсатиш кераклигини айтади. Фирма бошлиғи Абдураҳмон Мажихонов ўғли Элёрни солиқ ходимига қўшиб жўнатади. Адҳам Мусаев тадбиркордан банк билан боғлиқ барча ҳужжатларни талаб қилади. Тадбиркор бу ҳақда банк ходимларини хабардор этганда, улар «давлат солиқ инспекцияси ходими бу ҳақда бизга ёзма равишда мурожаат этиши лозим», деб рад жавобини беришади. 22 август куни ҳам туман давлат солиқ инспекцияси ходими фирмада ўтказилган текширишга тегишли ҳеч қандай далолатнома тузмайди. Тадбиркорга эртаси кун идорага боришни тайинлаб кетади.

Абдураҳмон Мажихонов 23 август куни туман давлат солиқ инспекцияси идорасига боради. Аммо у ўзига керакли бўлган ходимларнинг биронтасини тополмайди. Кечки пайтга борибгина Адҳам Мусаев билан учрашишга муваффақ бўлади.

(Давоми иккинчи бетда)

"ИНСОН ва ҚОНУН"га

ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Вилоят прокуратураси томонидан «Инсон ва қонун» газетасида чоп этилган "Қизариш" сарлавҳали мақоласида келтирилган ҳолатларни хўжалик иши билан биргаликда ўрганиб чиқилиб, натижаси ҳақида жорий йилнинг 25 сентябрида 30-11-2002 ёзишма билан хабар қилинган эди.

Мақолада Хоразм вилояти, Шовот тумани ҳокимлиги томонидан "Ризқ"очиқ акциядорлик жамиятига қарашли экин майдонларини 12 та фермер хўжаликларига ажратиб бериш тўғрисида чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги Хоразм вилояти хўжалик суди томонидан суд мажлисида кўрилиб, бекор қилинганлиги баён этилган эди.

Хоразм вилоят хўжалик судининг шу йил 5 августдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар "Ризқ" очиқ акциядорлик жамиятини даъво аризаси қаноатлантирилиб, Шовот туман ҳокимлигининг 12 та фермер хўжалигига ер ажратиш ҳақидаги қарорлари ҳақиқий эмас деб топилган.

Вилоят прокуратураси томонидан бу судлов қарори асоссиз деб ҳисобланиб, вилоят хўжалик судининг апелляция инстанциясига жорий йилнинг 25-сентябрида апелляция протести келтирилган. Шовот туман ҳокимлиги ва фермер хўжаликлари томонидан ҳам 17 сентябр куни суд қарорларидан норози бўлиб апелляция шикояти берилганлигини ва кўрилиш натижаси ҳақида Сизга қўшимча хабар қилишимиз кўрсатилган эди.

Апелляция шикояти ва протести вилоят хўжалик судининг апелляция инстанциясида жорий йилнинг 25 ноябрида кўрилиб, тўлиқ қаноатлантирилди. Хоразм вилоят хўжалик судининг шу йил 5 августдаги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвогар "Ризқ" очиқ акциядорлик жамиятининг Шовот туман ҳокимлиги томонидан чиқарилган 12 та фермер хўжалигига ер ажратиш ҳақидаги қарорлари ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъво аризаси рад қилинди.

И. ДАВЛЕТОВ,
вилоят прокурорининг ўринбосари,
адлия катта маслаҳатчиси

* * *

Вилоят прокуратураси томонидан "Инсон ва қонун" газетасининг шу йил 29 октябр сонида чоп этилган "Раис қонундан эўрми?" сарлавҳали мақола ўрганиб чиқилди.

Текширишда аниқланишича, ҳақиқатан ҳам, вилоят хўжалик судининг 2000 йил 20 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан 489 минг 678 сўм, 2001 йил 17 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан 1 млн. 27 минг 500 сўм Муэработ туманидаги С. Сатторов номидаги фермер хўжаликлари уюшмасидан тумандаги "Шоҳбоз" фермер хўжалиги фойдасига ундириш ҳақида даъволар қаноатлантирилган бўлиб, уюшманинг ҳисоб рақамида маблағи бўлмагани учун мавжуд қарз ўрнига фермер хўжалигига уюшмага қарашли бир дона "МТЗ-80" русумли тракторни чопиқ агрегати билан бирга бериш ҳақида келишилган.

Туман прокуратурасининг аралашуви билан жорий йилда фермер хўжалигига бир дона "МТЗ-80" русумли трактор олиб берилган.

Мақолада баён этилган ҳолатлар юзасидан ўтказилган текширув натижасига кўра, шу йил 25 ноябрда туман прокурорининг аралашуви билан фермер хўжалигига уюшма ҳисобидан берилиши лозим бўлган чопиқ агрегати ҳам олиб берилган.

Бундан ташқари, фермер хўжалигининг жорий йилда топширган 13,1 тонна ғалла ҳосили учун 693 минг 645 сўмлик ҳақи транш пуллари келиб тушмагани учун тўланмасдан келингани аниқланган.

Шу ҳолатлар юзасидан фермер хўжалиги бошлиғи Т. Тўраевдан тушунтириш олинганда, у С. Сатторов номидаги фермер хўжаликлари уюшмасидан туман прокуратурасининг аралашуви билан бир дона чопиқ агрегатини қабул қилиб олгани, мақола юзасидан туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширувдан тўлиқ қаноатлангани, транш пуллари келиб тушмагани сабабли бошқа фермерлар каби бу йилги ғалла ҳосили ҳақини ололмай турганини билдирган.

Ф. БОЙЗОҚОВ,
Сурхондарё вилояти прокурорининг
биринчи ўринбосари

Saboq

РАҒБАТ СЎНГАН ЖОЙДА...

Сайхунободлик оилавий пудратчилар Х. Тўхтаева ва Ш. Рустамова шу йил бошида "Янгиобод" ширкат хўжалиги билан шоли етиштириш бўйича шартнома тузишди. Унда томонларнинг бурч ва мажбурияти аниқ ўз аксини топган эди. Бироқ шоли пишиб етилгач, ширкат хўжалиги уни пудратчилардан тортиб олди. Бошқача айтганда, хўжалик раҳбарлари бебурдлик қилишди. Бебурдлик эса кўплаб одамларнинг сарсон бўлишига олиб келмоқда.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: ишлаб чиқариш режасидан ортиқча етиштирилган 9,5 тонна шолисини ололмаган Х. Тўхтаева ва Ш. Рустамова келгуси йили учун меҳнат қилармикан? Ахир, бу йил уларнинг хафсаласи пир бўлди-да. Зеро, манфаатдор бўлмаган, кўнгли ишдан совиган одамдан бирор натижа кутиш аммаҳол...

Ана шу оддий ҳақиқатни Шароф Рашидов туманида жойлашган Темур Малик номидаги дехқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси раҳбарлари ҳам англаб етмаган экан. Гап шундаки, мазкур бирлашмада пудратчи С. Ўнаров ва З. Имомов билан тузилган ички хўжалик шартномаси бир томонлама бузилиб, режадан ортиқча 14,3 тонна буғдой тортиб олинган. Сарсонгарчилик эвазига яқинда ана шу буғдойнинг пули пудратчиларга ундириб берилди. Бу каби ҳолатларни Боёвут ва Гулистон туманларидаги хўжаликлар фаолиятида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Масалан, Боёвут туманига қарашли Ш. Рашидов номидаги ва Н. Маҳмудов номидаги ширкат хўжаликларида ҳамда Гулистондаги "Истиқлол" дехқон-фермер хўжаликлари уюшмасида шу йилги буғдой етиштириш бўйича шартномалар қўпол равишда бузилган., Мазкур хўжаликларда тузилган шартномаларда маҳсулот миқдорини аниқ кўрсатмаслик, тарафларнинг имзосини қўймаслик, рақамларни ўзгартириш каби кўплаб камчиликларга йўл қўйилган.

Тўғри, шартнома қонун кучига эга бўлган ҳужжат ҳисобланмайди. Бироқ унинг қоидалари бузилиши қонун субъекти бўлади ва у қонун ҳимоясига олинади. Бинобарин, шартномани пала-партиш тузиш ёки унга имзо қўймаслик қонуний масъул шахсларни қонуний жавобгарликдан озод этмайди. Чунки шартноманинг вазифаси ва масъулияти қонун ҳужжатларида қатъий белгилаб қўйилган ва у қонун асосида муҳофаза этилади. Яна шуни таъкидлаб ўтиш лозмки, оилавий пудратчига ер беришнинг ўзи шартнома тузилиши учун асос бўлади ва у тузилган ҳисобланади. Шу боис, хўжалик ички шартномаси қоидаларининг бузилиши хўжалик раҳбарларига сўзсиз жавобгарлик юклайди. Афсуски, Сирдарёдаги айрим хўжалик раҳбарлари буни унутиб қўйишмоқда. Бу эса бебурдликни келтириб чиқараётир. Натижада дехқон меҳнатига қуйиб қолмоқда. Энг ёмони, меҳнатга бўлган рағбат сўнмоқда. Ишга рағбат сўнган жойда эса ўзибўларчилик ва қолоқлик пайдо бўлади. Сирдарё вилоятида юзага келган оғир вазият сабабларининг бир учи бебурдлик фожиасига келиб тақалади.

Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида лафзсизлик, яъни шартнома шартларини бажармаганлик юзасидан 7757843 сўмлик 34 та даъво аризасининг киритилганиёқ аҳволнинг қандай эканлигидан дарак беради.

Демак, лафзсизлик аянчли оқибатларга олиб келади. Бу ҳолдан тезроқ хулоса чиқариш ва камчиликларни бартараф этиш лозим.

Абдимурод ҚЎЗИЕВ,
Сирдарё вилоят адлия
бошқармаси бўлим бошлиғи

Adliya tizimi

Адлия идоралари томонидан судларга даъво аризалари киритиш йўли билан оила пудратчилари, фермер ҳамда ширкат хўжаликлари фойдасига тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи идоралар томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарлар ундириб берилмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида адлия идоралари томонидан 372,4 млн. сўмлик 2659 оила пудратчиларнинг, 632,6 млн. сўмлик 1604 та фермер хўжаликларининг, 484,9 млн. сўмлик 90 та ширкат хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб, судларга даъво аризалари киритилди.

Судларга киритилган даъво аризаларини мазмунан кўриб чиқиш жараёнида оила пудратчиларига 93,9 млн. сўм, фермер хўжаликларига 56,8 млн. сўм, ширкат хўжаликларига 256,7 млн. сўм, жами 490,1 млн. сўм етказилган моддий зарар, 14,5 млн. сўм бой берилган фойда ундириб берилди. Шунингдек, айбдор шахслар оила пудратчиларга 3,1 млн. сўмлик, фермер хўжаликлари раҳбарларига 1,9 млн. сўмлик маънавий зарарларни тўлашди.

ЖИЗЗАХ

Жиззах вилояти адлия бошқармаси томонидан Зарбдор туманидаги "Умид-1" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, судга киритилган даъво аризаси асосида Зарбдор туманидаги пахта тозалаш корхонасидан фермер хўжалигига тарафлар ўртасидаги контрактация шартномасига мувофиқ тўлиқ ҳисоб-китоб қилинмаганлиги учун 547300 сўм асосий қарз ва 251758 сўм миқдоридаги жарима — жами 799058 сўм ундириб берилди.

Qonun ko`magi

ЎТМАГАН БАҲОНА

ЁХУД НАМАНГАНЛИК СОЛИҚЧИЛАР ТАДБИРКОРНИ АЛДАШОЛМАДИ

(Боши биринчи бетда)

— Аввал бошлиққа учранг, - дейди солиқ ходими тадбиркорга, — у киши рухсат берса, далолатнома нусхасидан беришим мумкин...

Лекин "Нодиршоҳ" кўп тармоқли хусусий фирмасининг директори ўша куни туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Ўктам Мирзааҳмедов билан учраша олмайди. Шу сабабли душанба куни солиқчилар бошлиғининг ҳузурига бориб, унга бўлиб ўтган воқеани баён этади.

— Мен ҳали ҳужжатлар билан танишиб чиқмадим, — дейди бошлиқ, — ҳужжатлар келса, албатта, сизга ёрдам қиламиз.

Шундан сўнг Абдураҳмон Мажихонов бир эмас, бир неча бор туман давлат солиқ инспекцияси идорасига қатнайди. У қандай хато ва камчиликка йўл қўйганини билишни истаётган эди. Бироқ солиқчилар унга далолатнома беришни пайсалга солишади. Ниҳоят, жорий йилнинг 4 сентябр куни хусусий тадбиркорга далолатномани олиш насиб этди. 22 август куни тузилган далолатномада "Нодиршоҳ" хусусий фирмасига 453000 сўм молиявий жарима, фирманинг дўкон сотувчиси Элёр Мажихоновга 13605 сўм маъмурий жарима қўлланилгани ҳақида қайд этилган эди. Буни кўриб, тадбиркор Абдураҳмон Мажихонов ҳангу манг бўлиб қолди. Чунки далолатнома ҳақиқатга зид равишда тузилган эди. Бу эса тадбиркорда норозилик туғдирди. Норозилик эса ишни судда кўриб чиқишга сабаб бўлди.

Суд мажлисида жавобгар сифатида иштирок этган туман давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи Ўктам Мирзааҳмедов даъво аризасига қўшилмаслигини баён этди. Ҳақиқатан ҳам, А.Мусаев билан М.Умаровлар 21 август куни "Нодиршоҳ" хусусий фирмасига қарашли савдо шаҳобчасида қисқа муддатли текшириш ўтказиш учун хизмат сафарига юборилган. Ўша куни "Нодиршоҳ" фирмасига қарашли касса аппаратида 5000 сўм кирим қилинмаганлиги аниқланган. Бу ҳақда касса далолатномаси тузилган. Иш вақти тугаганлиги сабабли текширув кейинги кунга қолдирилган ва бу ҳақда далолатнома тўлдирилган. Бироқ унга на фирма бошлиғи, на савдо шаҳобчасининг сотувчиси имзо чекишмаган. Бундай ҳолатда солиқ қонунчилиги тартиб-қоидаларига кўра, текшириш материаллари аввало солиқ инспекциясида суриштирилади. Шундан сўнг тегишли чора кўриш учун қарор чиқарилади. Бизнингча, бу ерда ҳамма масала қонуний ҳал этилган.

Суд мажлисида иштирок этган Адҳам Мусаев ва Мўмин Умаров ҳам бошлиқларининг фикрини тасдиқлашди: "Биз 21 август куни фирма бошлиғидан "Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"ни тўлдириш учун сўраган эдик. Бироқ Абдураҳмон Мажихонов китоб уйида қолганини айтди. Касса аппаратига 5000 сўм кирим қилинмаган эди. Иш куни тугагани сабабли текширишни эртаси куни давом эттирмоқчи бўлдик. Текшириш ҳақидаги далолатномани ўша ерда туздик. Бироқ унга фирма бошлиғи ҳам, дўкон сотувчиси ҳам имзо чекмади. 23 август куни Абдураҳмон Мажихонов туман давлат солиқ инспекцияси идорасига келмади. Биз унга далолатномага имзо чектириш учун "Нодиршоҳ" фирмасига бордик. Лекин у имзо чекмади. Шундан сўнг барча материалларни солиқ инспекциясининг суриштирувчисига тақдим қилдим. 26 август куни эса хулоса берилган эди».

М.Умаров ҳам суд мажлисида иштирок этиб, ўз шеригининг фикрини тўла қувватлади.

Суд мазкур масалани атрофлича муҳокама этиб, пировардида қуйидагиларга кўра, солиқчиларни ноҳақ деб топди.

Биринчидан, улар **"Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида"**ги Низом талабларини қўпол равишда бузишган. Бу Низомга биноан қисқа муддатли текшириш бир иш кунига белгиланган. Ҳолбуки, "Нодиршоҳ" хусусий фирмасида 22 август куни ҳам текшириш ўтказилган. Шунингдек, солиқчилар **"Текширишларни рўйхатга олиш Китоби»**ни қонунчиликда белгиланган тартибда тўлдиришмаган.

Бундан ташқари, улар текшириш жараёнида, маъмурий жарима ва молиявий жарималарни қўллашда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс талабларини қўпол равишда бузишган. Жумладан, 22 август куни 016367-сонли далолатнома тузишиб, унга Абдураҳмон ва Элёр Мажихоновларнинг имзоларини қўйдиришмаган. Агар фирма бошлиғи ва фирма сотувчиси далолатномага имзо чекишдан бош тортган тақдирда, уларнинг имзо қўйишдан бош тортгани сабаблари ёзилиши ҳамда бу ҳақда улардан тушунтириш хатлари олиниши лозим эди.

Туман солиқ инспекцияси ходими А.Мусаев 26 август куни Элёр Мажихоновга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида 00166-сонли баённома тузган. Унда Элёр Мажихонов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 164-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатларини содир этган, деб кўрсатилган. Ушбу баённома солиқ ходимининг бир ўзи томонидан тузилиб, бирон-бир ҳолис қатнашмаган. Қолаверса, Элёр Мажихоновга ушбу баённома таништирилмаган ва имзо қўйдирилмаган. Бунинг ўрнига баённоманинг пастки қисмига А.Мусаев томонидан "Баённомага имзо қўйишдан бош тортди", деб ёзиб қўйилган. Лекин ким бош тортган, нима сабабдан бош тортгани қайд этилмаган. Бош тортган шахсни тасдиқловчи бирор холис кишининг имзоси ҳам йўқ.

Шунингдек, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома текширишдан кейин тўрт кун ўтгач, яъни 26 августда тузилган. Баённома тузишда солиқ ходими томонидан маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилмаган. Ваҳоланки, **Маъмурий жавобгарлик тўғрисида**ги Кодекснинг 1-қисмида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқиш, изоҳлар бериш, далиллар келтириш, ўз илтимосини баён этиш, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг ҳуқуқий ёрдамидан фойдаланиш, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақли экани кўрсатилган. Э.Мажихоновни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги далолатномада унинг мазкур иш материали билан танишгани тўғрисида ҳамда адвокатга муҳтож ёки муҳтож эмаслигини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Қонунда эса Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилингани тўғрисида маълумотлар бўлган ҳамда ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин деб кўрсатилган. Э.Мажихонов иш материаллари билан таништирилмаган ҳолда унга нисбатан 26 август куни маъмурий жаримага тортиш ҳақида қарор чиқарилган.

Суд ушбу қонунбузилишларни ҳисобга олиб, Наманган туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Ўктам Мирзааҳмедовнинг "Нодиршоҳ" хусусий фирмасига нисбатан 453500 сўм молиявий жарима қўллаш ҳақидаги қарори ҳамда Э.Мажихоновни 13605 сўм маъмурий жарима жазосига тортиш ҳақидаги қарорини ноқонуний деб топди ва улар бекор қилинди.

Суд 453500 сўм молиявий жаримани "Нодиршоҳ" хусусий фирмасига қайтарди ва А.Мажихоновга У.Мирзааҳмедов, А.Мусаев, М.Умаровдан 30000 сўмлик маънавий зарар солидар тартибда ундириладиган бўлди. Жавобгарлар давлат фойдасига 1500 сўмлик давлат божи ҳам тўлашди.

Шу тариқа адолат қарор топди. Ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билган тадбиркорга қонун кўмак берди. Қонунни менсимаган солиқчилар эса мум тишлаб қолишди. Баён этилган воқеа ҳуқуқий давлат ва эркин демократик жамият қуриш йўлини танлаган мамлакатимизда кимки ўз ҳақ-ҳуқуқини чуқур англаб етса, ҳеч қачон ютқазмаслигини исботлагани билан аҳамиятлидир.

Ажабмаски, бу кимларгадир сабоқ бўлса...

Маҳмуджон АБДУЛЛАЕВ,
ҳуқуқшунос
Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

САВОЛ БЕРИНГ!

Уни хат ҳамда 132-14-18, 133-84-50 рақамли телефонлар орқали кутамиз.



— 50 гектар ер олиб, фермер хўжалиги ташкил қилмоқчи эдим. Бунинг учун уй-жой, енгил автомашинани гаровга қўйиб, юз миллион сўм кредит олишим мумкинми? Кредитга олинган пулни бевосита завод ҳисобига ўтказиб, ер ҳайдайдиган ва ғўзага ишлов берадиган трактор ҳамда ғалла ўрадиган комбайн олмоқчиман. Шундай қилсам, тўғри бўладими? Бу ҳақда қонуний йўл-йўриқ беришингизни илтимос қиламан.

Асқар ЭГАМҚУЛОВ,
Бекобод тумани, А. Мавлонов номидаги ширкат хўжалиги

— Аввало шуни айтиш лозимки, фермер хўжалиги тадбиркорлик фаолиятининг бир кўринишидир, тадбиркор кейинчалик ўз фаолиятини мувафаққиятли амалга ошириб кетиши ҳам, банкротлик ҳолатига келиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти субъектларига макрокредитлар эмас, балки микрокредитлар бериш ислоҳоти амалга оширилмоқда.

Бу жараён эса тадбиркорлик фаолиятида кам йўқотиш ва кўп фойда олишни кўзда тутади.

Қишлоқ хўжалиги машиналарини кредитга эмас, балки лизинг шартномаси шартлари асосида ижарага олиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрда қабул қилинган 424-сонли қарори мавжуд бўлиб, унга кўра, қишлоқ хўжалиги машиналари фермер хўжаликларига "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" холдинг компанияси корхоналари томонидан 7 йил муддатга лизинг шартномаси асосида етказиб берилиши мумкин. Бунда фермер хўжаликлари тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси қийматининг 15 фоизини ўз маблағлари ҳисобидан аванс сифатида тўлаши лозим.

Қишлоқ хўжалиги машинасини молиявий лизинг шартномаси асосида ҳам ижарага олиш мумкин. Бироқ бунда фермер хўжалиги олдиндан аванс тўламайди. Чунки бу ҳолат 1999 йил 7 майда Марказий банк бошқаруви томонидан тасдиқланган ва 1999 йил 20 июлда Адлия вазирлигида рўйхатга олинган **"Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан молиявий лизингни ўтказиш тартиби тўғрисида"**ги Низомда кўрсатилмаган. Қишлоқ хўжалик машинаси молиявий лизинг бўйича банкнинг кредит ресурслари ҳисобидан сотиб олиниб, фермер хўжаликларига (бошқа тадбиркорлик субъектларига) берилиши мумкин. Бунинг учун фермер фақат ижара ҳақини (лизинг тўловини) тўлайди. Лизинг шартномаси муддати тугаши билан лизинг объекти, яъни қишлоқ хўжалик машинаси лизинг олувчи фермернинг хусусий мулкига ўтади. Кўриниб турибдики, лизингда қишлоқ хўжалиги машинасининг қиймати бир йўла эмас, балки бир неча ой ёки йиллар давомида қисман лизинг тўлови шаклида тўлаб борилади. Бу эса фермерлар учун жуда қулайдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрдаги 366-сонли **"Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ ҳамда моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори, 2-бандида дастлабки кредитлар сармояни шакллантириш учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг олтидан бир қисми миқдорида имтиёзлар фоиз ставкаси бўйича 3 йилгача бўлган муддатга узайтириш ҳуқуқисиз, фермер хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдоригача фоизлар тўлашни 12 ойга кечиктириш ва асосий қарзни кредит олингандан кейин 18-24 ой ўтгач, қайтаришни бошлаш шартлари билан берилиши назарда тутилган. Кредит ёки лизинг шартномавий муносабатларига киришиш билан фермер хўжалигини тузиш жараёнини бирга олиб бориш ёки дастлаб фермер хўжалигини тузиб, сўнгра кредит олиш масаласини ҳал этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки баъзи ҳукумат қарорларида, чунончи Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарорига 8-илова тариқасида тасдиқланган «Янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларига тижорат банклари томонидан кредит бериш қоидалари»да янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларига кредит берилиши мумкинлиги қайд этилган.

Саволга ҳуқуқшунос
Олим РАЖАБОВ жавоб берди.

Ajab savdolar

СЎНГГИ ПУШАЙМОН

ҚОЗОНДАГИ ОШ СУЗИБ ОЛИНДИ, ЭВАЗИГА ҚУРУҚ РАҲМАТМИ?

Деҳқон зоти азалдан борига шукур қилиб, эртанги кунга умид билан кўз тикиб яшайди. Унинг далада қишин-ёзин тугамайдиган юмуши кўп. Чунки дала ишида танаффус бўлармиди? Ариқ қазиш, ерларни экишга тайёрлаш, экиш, суғориш, чопиқ қилиш, бегона ўтлардан тозалаш, ўғит бериш, техника воситаларида ишловдан чиқариш — санайверсанг, бармоғинг етмайди.

Лекин деҳқоннинг кўнгли тўқ бўлса, буларнинг барини уддалайди. Бироқ етиштирган маҳсулотини қоп-қоп ваъда бериб, шартномани жимжимадор тарзда имзолаб олиб кетган ҳамкори панд берса-чи?!. Бу ҳолда даладаги ишлар қолиб кетади. "Оласиз, пул бўлсин, тўлаймиз". Ҳар гал шу ва шунга ўхшаш қуруқ ваъдаларни эшитиб, ҳорғин уйга қайтади.

Ўтган йилнинг саратонида "Челак пахта заводи" акциядорлик жамияти вакили Пойариқ туманидаги Н. Азимов номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган "Абдусаидхон" фермер хўжалиги далаларига боради. Бўйи нақ одамнинг белидан келадиган маккажўхориларни кўриб, бир неча ойдан кейин ҳосил мўл бўлишига ишонч ҳосил қилган ҳолда шартнома тузишни таклиф қилади. Аниқроғи, 3 июлдан эътиборан акциядорлик жамияти билан фермер хўжалиги ўртасида ўзаро шартнома тузилади. Бошқача айтганда, фермер хўжалиги акциядорлик жамиятига 2001 йилнинг 31 декабригача 50 тонна чорва озуқаси — кўк масса етказиб бериш мажбуриятини олади. Жамият эса, шартномада кўрсатилган муддатда кўк массанинг ҳар бир тоннасига 7 минг сўмдан, жами 350 минг сўм тўлаши лозим.

Фермер хўжалиги раиси А. Низомов бор куч-ғайратини ҳамкорларининг ишончини оқлашга қаратиб, шартнома режасини 19 октябр куни бажаради. Унинг корхонадагилар олдида юзи ёруғ бўлади. Энди "Челак пахта заводи" 350 минг сўмни тўласа, бас, фермер ана шу пулдан аъзоларига иш ҳақи беради. Шу билан бирга келгуси йил учун ерларни тайёрлаш, уруғлик сотиб олиш харажатларига қийналмайди.

Бироқ ҳар қандай гапнинг "лекин"и ёмонда. Ҳамкор корхона вакили сўзининг устидан чиқмади. Икки-уч ой кечикса ҳам майли эди. Фермернинг кўнгли кенг, кутиб турарди. Аммо бундай бўлмади. Акциядорлик жамиятидагилар ғирромлик қилишиб, орадан бир йил ўтган бўлса-да, маҳсулот ҳақини тўлашни пайсалга солишди. Ночор аҳволда қолган фермер хўжалиги раиси А.Низомов бу ҳақда вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Суд Фуқаролик Кодексининг 449 ҳамда амалдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 32-моддасига асосланиб, даъвогарнинг даъвосини тўлиқ қаноатлантирди. Жавобгардан даъвогар фойдасига 350 минг сўм асосий қарз ва 175 минг сўм устама, жами — 525 минг сўм ундириш ҳақида қарор чиқарди.

Оқдарё туманидаги "Олға" фермер хўжалиги тақдири ҳам худди "Абдусаидхон" фермер хўжалиги қисматига ўхшайди. "Олға" фермер хўжалиги аъзолари ҳам тер тўкиб ишлаб, етиштирган маҳсулотларини "Гулистон" ширкат хўжалиги раҳбариятига топширишган. Тасаввур қилинг: қозондаги ош ширкат хўжалигига сузиб берилган. Эвазига фермер хўжалиги қуруқ раҳмат эшитиб қолаверган. Агар фермер хўжалиги билан ширкат хўжалиги бошқаруви ўртасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб бериш бўйича тузилган шартномаларга кўз югуртирсангиз, бунга ўзингиз амин бўласиз.

Икки томон, яъни "Гулистон" ширкат хўжалиги билан "Олға" фермер хўжалиги 2000 йилнинг 20 апрелида 33 тонна пахта, 2001 йилнинг январида эса, 55 тонна 380 килограмм арпа етказиб бериш бўйича шартнома тузишган. Шартномаларга кўра, фермер хўжалиги буюртмачига 29 тонна пахта, 55,5 тонна арпа етказиб берган. Бу эса ширкат хўжалигининг фермердан 1 миллион 238 минг 12 сўм қарз эканини билдиради.

Хўжалик суди "Олға" фермер хўжалигининг қарзини ундиришда даъвони ширкат хўжалиги мол-мулкига қаратди. Яъни ширкат хўжалигининг мол-мулкидан фермер хўжалигига 1 миллион 238 минг 12 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Ҳар икки иш бўйича суд ва почта харажатлари жавобгарлар зиммасига юклатилди.

Маълумки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Қишлоқда мулкдорлар сафини кенгайтириш доимий эътиборда турибди. Тадбиркорга панд бериш, у етиштирган маҳсулотни олиб, ҳақини тўлашда ғирромлик қилишга қонунларимиз йўл қўймайди. Баён этилган икки мисолдаги шартнома шартларини бажармаганларнинг иш тутишини ғирромлик дейиш мумкинми? Бўлмаса, нима деб аташ тўғрироқ бўлади? Бундай мақсадни кўнглига тугиб қўйганлар билиб қўйишсинки, бугун бировнинг пиширган ошини қозондан сузиб олиб, ҳақини вақтида тўламаслик замони эмас.

Баҳром ҲОЖИМУРОДОВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Adliya tizimi

ФАРҒОНА

Тошлоқ туманидаги Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги билан оилавий пудратчи Ш.Азаматов ўртасида тузилган ички хўжалик шартномасига асосан пудратчи ширкат хўжалигига шартномада келишилгандан ортиқча маҳсулотни етказиб берган бўлса-да, ширкат хўжалиги томонидан унга 275 кг. ғалла шу йилнинг август ойигача берилмасдан келинган. Шартномага асосан етиштириб берилган ортиқча маҳсулотни пудратчига қайтариб бермаганлиги сабабли вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган даъво ариза фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро суди томонидан кўриб чиқилиб, суд қарорига асосан ширкат хўжалигидан оилавий пудратчи Ш.Азаматов фойдасига 275 кг. ғалланинг бозор баҳосидаги 28875 сўм қиймати ҳамда 36670 сўм етказилган моддий зарар ундириб берилди.

НАМАНГАН

Вилоят адлия бошқармаси томонидан Норин тумани "Норин" ширкат хўжалиги манфаатини кўзлаб судга киритилган даъво аризаси асосида "Наманганвино" ОТАЖдан ширкат хўжалигига тарафлар ўртасидаги шартномага мувофиқ етказиб берилган маҳсулот учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилинмаганлиги учун 180421 сўм асосий қарз ва 90211 сўм миқдоридаги устама — жами 270633 сўм ундирилди.

Taassuf

"ЧОПАҒОН" ТРАКТОР

ёхуд ижара ҳақини ололмай юғурган тадбиркор

Сирдарё туманидаги "Ўзбекистон" деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасига қарашли "Мустафо" фермер хўжалиги раҳбари Фарҳод Ғойипов меҳнатсевар ёшлардан бири эканини амалда исботлаб келаяпти. Фермер хўжалиги 36 гектар экин майдонига эга бўлгани ҳолда деҳқончиликдан ҳар йили юқори ҳосил олиб келмоқда. Бу йил ҳам ғалла ва пахтадан келган даромад ёмон бўлмади. Лекин очиғини айтганда, 36 гектар экин майдонидан келадиган даромад етарли бўлмаяпти. Яъни бугун тракторга харажат қилса, эртага ўғит ва уруғ ҳам маблағ талаб қилади. Хуллас, режа ва шартномаларни бажариш учун тинмай меҳнат қилишнинг ўзи камлик қиларкан. Ишни тўғри ташкил эта билиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш учун эса фермер хўжалигига камида иккита трактор керак бўлади.

Фарҳод буни яхши биларди. Шу боис даромадга ҳам қараб ўтирмай, туман ва хўжалик раҳбарларининг кафолатига таяниб, битта "Алтай-Т4" тракторини кредитга олди. Аммо нархи ҳам нақд 15 миллион сўм экан. Энди фермер хўжалиги тракторни ўн беш кун ишлатиб, қолган вақти қантариб қўйса бўлмасди. Унинг пулини ҳам чиқариб олиш лозим. Шу боис фақат даромад ҳисобига кредитни ҳисоб-китоб қилиш қийин эканини билган фермер имкон қидириб, трактори билан бошқаларга ёрдам кўрсатиш эвазига нақд ишлашни мақсад қилиб қўйди. Шу тарика "Ўзбекистон" ДФХ уюшмаси билан техникани вақтинча фойдаланишга бериш тўғрисида шартнома тузилди. Уюшма раҳбари Иброҳим Тўйчиев билан қилинган обдон ҳисоб-китобдан сўнг шартнома тузилганидан фермер ҳам хурсанд эди. Пул чўнтакка бугун-эрта тушадигандек нақд қилиб қўйилганди. Бироқ фермернинг ўйлаганлари сароб бўлиб чиқди. Уюшма тракторни тўхтовсиз ишлатаверди: ерлар шудгор қилинди, чизеллаб молаланди, экин экилиб, ўқариқ ҳам олиб бўлинди. Ойлар ўтиб, бажарилган ишлар қиймати 1 августгача 7.220.676 сўмни ташкил этди. "Агар трактор шундай ишлаб турса, икки йилда кредит асосий суммасиниям узиб қўйиш мумкин", дея ўйлаган Фарҳод қўли билан бериб, оёғи билан юғуриш навбати ўзига келганини шунда англади. У аввал уюшма раҳбарига, натижа бўлмагач, туман раҳбарларига учраб, арзини айтди. Лекин барча ҳаракатлари зое кетаверди. Охири тоқати тоқ бўлгач, вилоят адлия бошқармасига шартнома интизоми бузилганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат этди.

Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорига кўра, фермер хўжалиги фойдасига "Ўзбекистон" деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасидан бажарилган ишлар учун 7.220.676 сўм, 1.480.238 сўм жарима ва уюшма раҳбари И. Тўйчиевдан 200 минг сўм маънавий зарар ундириладиган бўлди. Энди суд харажати-ю, адлия тушумини ҳам И. Тўйчиев тўлайди.

Шундай қилиб, фермернинг ҳуқуқи тикланди. Фақат ҳал қилув қарорининг ижроси қолди, холос.

Комилжон БОТИРОВ,
ҳуқуқшунос

Dakki

ЛАФЗНИ УНУТМАНГ, РАИС БУВА!

Мамлакатимиз мустақиллиги иқтисодий тараққиётнинг барча шакли учун кенг йўл очиб берди. Афсуски, ривожланишнинг бундай замонавий йўналишини барча раҳбарлар ҳам тўлиқ тушуниб етаяпти, дейишга ҳали эрта. Бунга Кегейли туманидаги "Халқобод" деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Сададдин Шразов фаолиятини мисол сифатида айтиш мумкин. Гап шундаки, у уюшма бош ҳисобчиси Маҳмуд Сатбоев, хўжалик иқтисодчиси Женис Сеитниёзов, ҳуқуқшунос-маслаҳатчи Зайнитдин Нураддиновларни ғафлат уйқусидан уйғотиш ўрнига ўзи ҳам уларга қўшилиб «пинак»ка кетди. Натижада деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида 2001 йил мобайнида тузилган ва қийматн 165744011 сўмга тенг бўлган 50 та ички ва ташқи шартномалардан 37 таси бажарилмади. Хўжаликнинг дебитор қарзи йил якуни ҳолатига 521000 сўмни, кредит қарзи 112669442 сўмни ташкил этган бўлса, шу йилнинг май ойига келиб дебитор ва кредитор қарзлари ҳажми бир неча баробар ошиб кетди. Тўлов муддатлари ўтиб кетган ушбу қарзлар юзасидан ҳисоб-китоб ишларини юритишни эса уюшма раҳбарлари ҳаёлга ҳам келтиришмади.

Аслида шартномага хилоф равишда иш тутиш жараёни хўжаликда анча олдин бошланган. 2000 йилда деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ва пудратчи Идрис Алиевлар ўртасида 18 гектар ер майдонидан 49,5 тонна кузги буғдой етиштириш тўғрисида шартнома тузилади. Унда белгиланишича, етиштирилажак ҳосил учун тўланадиган пулнинг умумий миқдори 1079100 сўмга тенг бўлиши лозим эди. Пудратчи шартнома мажбуриятларини бажариш мақсадида тинмай меҳнат қилди. Бунинг натижаси ўлароқ, шартномада белгиланган 49,5 тонна ўрнига 69 тонна 450 килограмм буғдой етиштирди ҳамда мавсумни 347669 сўм соф фойда билан якунлади. Лекин раис пудратчига режадан ортиқ миқдорда топширилган 19 тонна 950 килограмм буғдойни ҳам, тегишлича иш ҳақини ҳам тўламади. Уюшма раҳбарларининг ўз вазифаларига бўлган масъулиятсизлиги боис пудратчи Алишер Рахилбоев ва Улбўсин Умаровлар ҳам шартномада қайд этилган миқдордан ортиқ топширилган буғдой ҳосилини олишолмади. Бундай дейишимизнинг сабаби шуки, уюшмада барча шартномалар эътиборсизлиқ ва шошма-шошарлик билан тузилди. Уларда хўжаликнинг юридиқ манзили, пудратчининг шахсини тасдиқловчи маълумотлар берилмади, шартноманинг тузилиш санаси кўрсатилмади, ҳуқуқшунос-маслаҳатчи хулосаси акс этмади. Бу эса **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонун талабларини қўпол равишда бузиш демакдир.

Таассуфки, уюшмада бу каби нохуш ҳолат кейинги йилларда ҳам давом этди. Бир марта "тили куйган" пудратчи Идрис Алиев 2001 йилда 9 гектар майдонга буғдой уруғи сепди. У шартномада белгиланган 24,7 тонна ўрнига 32 тонна 690 килограмм буғдой ҳосили етиштирди. Аммо уюшма мутасаддиларининг айтишича, Идрис Алиев йилни 280282 сўм зарар билан якунлаган эмиш, пудратчининг ҳосил етиштириш учун сарф қилган харажатлари кўзда тутилган миқдордан ошиб кетганмиш.

Уюшма раҳбарлари пудратчилар етиштирган ҳосил ва иш ҳақлари миқдорларини яшириш мақсадида яна бир "ихтиро" ўйлаб топишди. Улар тайёр маҳсулотларни ҳар қайси пудратчи ҳисобига алоҳида-алоҳида шаклда расмийлаштириш ўрнига жами ҳосилни қўшиб, умумий тарзда бўлим ҳисобига ўтказишди. Шу тарзда қайси пудратчининг қанча маҳсулот етиштиргани, қанча даромад олиши ноаниқ бўлиб қоларди. Мисол тариқасида айтиладиган бўлса, уюшма пудратчилари Даврон Тўлеков, Пийшенбой Содиқов, Абдували Есназаров, Мақсет Сафаров, Мақсет Жонназаровлар билан тузилган шартномалар бўйича 28 гектар ер майдонидан умумий миқдори 1195267 сўмлик, яъни 35 тонна 510 килограмм буғдой ҳосили тўпланди. Аммо ҳосилнинг қанча қисми кимга тегишли экани улар учун жумбоққа айланди.

Уюшма раҳбарларининг бу каби ҳийла-найранглари ташқи шартномалар тузилишида ҳам ўз аксини топди. Масалан, уюшма билан туман пилла жамияти, "Халқобод момиғи" пахта тозалаш заводи ҳамда машина-трактор парки ўртасида тузилган контрактация шартномаларининг тўлдирилишида турли хил нуқсонларга йўл қўйилди.

Ниҳоят, хўжаликда ҳукм суриб келган ноқонуний хатти-ҳаракатлар, палапартишликлар барҳам топди. Фуқаролик ишлари бўйича Чимбой туманлараро суди пудратчи Идрис Алиев фойдасига буғдой ҳосили ҳисобидан 3476669 сўм, Алишер Рахилбоев фойдасига 74244 сўм, Улбўсин Умарова фойдасига 91209 сўм миқдорида иш ҳақи ва ҳар бирига режадан ортиқ етиштирилган буғдой ҳосилини ундириб бериш ҳақида қарор қабул қилди. Муддати ўтиб кетган дебитор ва кредитор қарзларини қоплаш чораларини кўрмагани учун "Халқобод" деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Сададдин Шразов ва бош ҳисобчи Маҳмуд Сатбоевларга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 175-моддаси 3-бандига мувофиқ жарима солинди.

Шундай қилиб, уюшмада контрактация шартномаларининг қонуний тусда олиб борилмаганлиги баён этилган кўнгилсизликларга сабаб бўлди. Лафзга амал қилмаган раис қонун олдида жавобгар бўлди. Сўзимиз охирида "Энди бу ёғига лафзни унутманг, раис бува!" дейишни лозим топдик. Чунки ушбу ҳолат такрорланса, раис пудратчилар олдида яна мулзам бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

МОККИ САВДОГАРЧИЛИК

ЁХУД ОЛДИ-СОТДИНИНГ АЙРИМ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Жаҳон иқтисоди тарихи шуни кўрсатадики, ҳар қандай мамлакат фақат ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ҳисобига яшай олган эмас. Бу ўзгармас табиий қоида мамлакатлар ўртасида халқаро меҳнат тақсимотини вужудга келтиради. Мазкур тақсимот муайян мамлакатларнинг жўғрофик ўрни, табиий иқлим шароити, қазилма бойликлари, аҳолисининг турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари билан боғлиқ. Масалан, Осиё мамлакатлари қишлоқ хўжалиги ва табиий энергетика ресурсларига бой бўлса, Европа мамлакатларида машинасозлик ва электротехника яхши ривожланган.

Ҳар бир мамлакат ўз иқтисодиётини ташкил этар экан, ушбу ҳолатларни ҳисобга олишга мажбур. Ўзи ишлаб чиқарган товарлар ҳисобига яшамоқчи бўлган мамлакатлар (60-йилларда Хитой, 90-йилларда Шимолий Корея ва ҳ.к) тажрибаси шундан далолат берадики, натурал хўжалик асосида яшамоқчи бўлган мамлакатлар қолоқлик ва қашшоқликка маҳкум бўлади. Одатда, мамлакатлар ўртасида товар айрибошлаш турли шакл ва кўринишларда амалга оширилади ҳамда экспорт-импорт шартномалари орқали расмийлаштирилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларнинг юқори даражада йўлга қўйилганлиги давлат ўз ҳудудий дарвозаларини кенг очиб қўяди, дегани эмас. Бошқача айтганда, бу ҳеч ҳар ким мамлакат ҳудудига хоҳлаган нарсани олиб келиш ва олиб чиқиши мумкин деб тушунмаслик лозим. Шу боис бутун дунё бўйича ҳар бир мамлакатнинг божхонага оид тартиб-қоидалари мавжуд. Улар ёрдамида давлат турли солиқ ва божхона йиғимлари орқали ташқи иқтисодий фаолиятга таъсир ўтказади. Бу таъсир, энг аввало, мамлакат ҳудудига товар олиб келувчи ва товар олиб чиқиб кетувчи субъектлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда намоён бўлади.

Ривожланган бозор тизими қарор топган мамлакатларда экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш билан махсус ихтисослашган тадбиркорлик тижорат тузилмалари шуғулланади. Улар асосан турли компаниялар, корпорациялар, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа кўринишларда юридик шахс ҳуқуқий мақомини олган ҳолда фаолият юритади. Экспорт-импорт операцияларини махсус ихтисослашган тижорат тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилиши қатор афзалликларга эга. Бу афзилликлар қуйидагилардан иборат: биринчидан, тижорат субъектлари муайян товарлар бўйича ихтисослашади. Яъни, улар муайян товарлар бўйича дунё бозорида конюктурани яхши билади. Иккинчидан, улар дунёни турли мамлакатларида ўз ишончли ҳамкорларига, шерикларига эга бўлади ва бу уларнинг ўртасидаги алоқаларни доимийлиги, барқарорлиги ҳамда ўзаро манфаатдорлигини таъминлайди.

Учинчидан, улар томонидан амалга ошириладиган экспорт-импорт операциялари майда партияларда эмас, балки йирик партияларда амалга оширилади. Бу эса улар хизмат кўрсатадиган истеъмол бозорларида узилиш ва танқисликлар мослигини кафолатлайди.

Тўртинчидан, уларда товарларни ташиш бўйича хизматлар, юридик, ахборот-реклама хизматлари яхши йўлга қўйилган.

Албатта, баён этилган хориж тажрибаси экспорт-импорт операциялари билан жисмоний шахсларнинг шуғулланиши мумкин эмас, деган маънони англатмайди. Фуқаролар бундай фаолият билан шуғулланишига ҳамма ерда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам кенг имкониятлар яратилган. **"Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"**ги Қонунга биноан мамлакатимизда ва жисмоний шахслар хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари билан, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Мамлакатимизда жисмоний шахсларнинг экспорт-импорт савдоси билан шуғулланишлари асосан ўтган асрнинг 80-йилларида, собиқ иттифоқ иқтисодиёти таназзулга учрагач, истеъмол бозорларида танқислик вужудга келганидан сўнг бошланади. Бу кезларда чет элга чиқиш тартиби соддалашгани сабабли хорижий давлатларга сайёҳ мақоми остида чиқиб, у ердан товарлар олиб келиш, ички бозорда уларни сотиб, мўмай даромадга эга бўлишни мақсад қилган кишилар гуруҳи пайдо бўлди. Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетгач, иттифоқ ҳудудида жойлашган корхоналар ўртасидаги хўжалик алоқаларида узилишлар вужудга келди. Бу эса ишлаб чиқаришни муайян даражада қайта ташкил этишни тақозо қилди. Натижада барча МДҲ давлатларида "Мокки савдогарчилик" кенг авж олди. Унинг моҳияти шундан иборатки, жисмоний шахс имконияти даражасида майда-майда партияларда ўз мамлакатидан товар олиб чиқиб хорижий мамлакатларда сотади ва унинг пулига товарлар сотиб олиб, яна ўз мамлакатига олиб келиб сотади. Ана шу йўл билан тўплаган маблағини кўпайтиради. Кейинчалик бу доимий такрорланиб турувчи жараёнга айланиб қолади. Бу ўринда халқимизнинг "бўзчининг мокисидек бориб келади" иборасини қўллаш жуда мос келади. "Мокки савдогарчилик"да ҳам бир мамлакатдан иккинчи бир мамлакатга ўтиб товар олиб кириш доимий тарзда такрорланади.

90-йиллар ўрталарида барча МДҲ мамлакатларида мокки савдогарчилик истеъмол бозорларини тўлдиришда муҳим ўрин эгаллади. Бироқ мокки савдогарларнинг жуда камчилик қисми якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширишди. Уларнинг катта қисми чет элга асосан сайёҳ сифатида қатнаб мокки савдогарчилик билан шуғулланди. Бу товарлари учун божхона йиғимлари тўлашда муайян имтиёзлардан фойдаланишган. Бундай имтиёзлар одатда ҳақиқий сайёҳлар учун белгиланган бўлиб, чет элдан олиб келинган ёки чет элга олиб чиқилаётган товарларни шахсий истеъмол учун мўлжалланиши назарда тутилиб, товарларнинг муайян қисмига нисбатан божхона йиғимлари белгиланмаган ёки имтиёзли миқдорда белгиланган эди. Шу сабабли ҳам бу тижоратчилар фаолияти пинҳоний иқтисодиётдан очиқ иқтисодиётга ўтмоғи энг муҳим вазифа бўлиб ҳисобланар эди.

Мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан шу йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар юридик шахс ҳолда хорижий мамлакатлардан товарлар олиб келиш ва олиб чиқиб кетиш (экспорт-импорт) фаолияти ёхуд улгуржи ва чакана савдони амалга ошириш истагида бўлса, улар белгиланган тартибда якка тадбиркор сифатида қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтишлари лозим. Акс ҳолда бу фаолият билан шуғулланишлари қонун бўйича таъқиқланади.

Якка тадбиркорлар ва тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш асосан қуйидаги икки мақсадни кўзлаб амалга оширилади. Бунда биринчи вазифа тадбиркорлик тизимини ноинсоф рақобатдан, ўз мансабини суиистеъмол қилувчи давлат амалдорлари тазйиқидан ҳимоя тизимини яратиб қўйиш бўлса, тўловларнинг келиб тушишини назорат қилиш иккинчи вазифа ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 6 май куни эълон қилинган "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғи, божхона божлари ва йиғимлари ўрнига ягона божхона тўловининг белгиланиши хориждан товар олиб келувчиларга анча қулайлик яратди. Яъни, қарорда юқоридаги тўловларни тўлашни назарда тутувчи божхона тўловларининг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Лекин бу барча олиб келинадиган товарларга ҳам ягона божхона тўлови жорий этилди, деган гап эмас. Жисмоний шахслар томонидан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш мақсадида олиб келинадиган товарларга амалдаги қонун, ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда ва ставкалар бўйича акциз солиғи солинади.

Шуни ёдда тутиш лозимки, қарорга асосан, белгиланган ягона божхона тўлови мамлакатимиз ҳудудига товар олиб келиш ва товар олиб чиқиб кетиш операцияларини бажариш, экспорт-импорт, улгуржи ва чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи бўлган, якка тартибда тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган жисмоний шахсларга қўлланиши мумкин.

Қонунимизда белгиланган божни тўлашдан қочиб, яширинча товарлар олиб кириш қонунга мувофиқ таъқиқланади. Бундай ҳолатларга қарши курашиш Давлат Солиқ Қўмитасининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Бош Прокуратура ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаментига юклатилди. Мазкур тадбирлар мамлакатимизга ноқонуний равишда сифатсиз товарлар кириб келишининг олдини олиш баробарида истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Демак, мамлакатимизда фуқароларнинг манфаати ҳар бир соҳада қонун асосида таъминланмоқда.

Омонбой ОҚЮЛОВ,
профессор,
Жаҳонгир ЙЎЛДОШЕВ,
ўқитувчи



Dolzarb mavzu

НИКОҲ — УМР САВДОСИ

Huquqiy ma`rifat

Аввало шуни айтиш керакки, мамлакатимизда дунёнинг ривожланган давлатларидаги сингари фақат бир никоҳлилик тан олинган. Шу боис никоҳ бошқа бир никоҳда бўлган шахс билан тузилмайди. Энг асосийси, никоҳ тузиш учун бир қатор шартлар талаб қилинадики, бу Оила Кодексининг 2-бўлим, 3-боб, 14-16-моддаларида белгилаб қўйилган.

Мазкур моддаларнинг мазмунига кўра, никоҳда, албатта, бўлажак эр ва хотиннинг ўзаро ихтиёрий розилиги ҳамда қонунда белгиланган ёшга тўлган бўлиши талаб қилинади.

Мамлакатимизда никоҳ ёши аёллар учун 17, эркаклар учун эса 18 ёш этиб белгиланган. Аммо неча ёшдан бошлаб никоҳ тузиш мумкин эмаслиги белгиланмаган. Шунга кўра, никоҳдан ўтувчиларнинг ёшларида катта фарқ никоҳ тузишга монелик қилмайди, дейиш мумкин.

Яна шуни айтиш жоизки, қонунда истисно тариқасида узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин. Мисол учун аёлнинг ҳомиладор бўлиб қолиши, боланинг туғилиши никоҳ ёшига тўлмаганлигидан қатъий назар, бир йил муддатга камайтирилади.

Мамлакатимизда Оила ҳуқуқи никоҳ тузаётган шахслардан бирбирининг саломатлиги қандай ҳолатда эканлиги билан танишишни талаб этади. Оила Кодексининг 17-моддасида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилган.

Тиббий текширув ўтказилгандан сўнг йигит-қизнинг ҳар бирига ташхис қўйиш, уларнинг қандай касали борлиги ва бу дарднинг олдини олиш, даволаш тўғрисида маълумот беради. Бундай маълумот фуқарога унинг эркига асосан берилади.

Қонун руҳий касал ёки ақли заиф бўлган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишни назарда тутмайди.

Бундан ташқари, қонунчилигимиз қайта никоҳдан ўтишни чегаралямайди. Ҳар бир шахс бахтсиз никоҳдан сўнг янги никоҳдан ўтиб, турмуш қуриш ҳуқуқига эга. Оила кодексининг 13-моддасида никоҳ тузиш тартиби ўрин олган. Унга кўра, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идораларида тузилади. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Мазкур ҳолатда шахс мулкка нисбатан мерос, таъминот олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлади. Бироқ қонуний никоҳдан ўтмасдан қурилган турмушдан туғилган фарзандлар қонуний никоҳ натижасида туғилган фарзандлар билан тенглаштирилади.

Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идораларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади.

Баъзи ҳолатларда ушбу муддат қисқартирилиши ҳам мумкин. Амалдаги қонун никоҳнинг рўйхатдан ўтиш муддатини қисқартириш ҳолати ҳамда рўйхатдан ўтиш муддатини қанчага қисқартириш мумкинлигини кўрсатиб бермайди. Албатта, никоҳдан ўтаётган ёшлар тезроқ турмуш қуришни кўзлайди. Аммо баъзан муносабатлари бир-бирига нечоғлик мос тушишини эътибордан четда қолдирадилар. Оқибатда баъзан эр ва хотин табиати, феъл-атвори бир-бирига тўғри келмай қолади.

Албатта, судлар никоҳдан ажралиш тўғрисида даъвони кўришда, биринчи навбатда, оила манфаатларини ҳимоя қилади. Оила Кодексининг 40-моддасига кўра, суд оиланинг ички келишмовчиликларини ҳал қилиш ва уни қайта тиклаш учун олти ойгача муҳлат бериши мумкин. Суд белгиланган муддатда эр-хотинни яраштириш мақсадида улар яшаб турган жойдаги ўзини-ўзи бошқариш идораси — маҳалла оқсоқоллари кенгаши, хотин-қизлар қўмиталарига муҳокама қилиш ва уларни яраштириш учун зарур ҳолларда ажрим нусхаларини юбориши мумкин. Агар эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имкон бўлмаса, суд никоҳни сақлаб қолишни кечиктирмайди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ажралишларнинг асосий қисми турмушнинг биринчи йилига тўғри келади. Айрим ёшлар кўпинча эрта турмуш қуришга интилади ёки ота-оналар ўз фарзандларини турли йўллар билан шунга мажбур қилиш ҳоллари ҳам учраб туради. Ақлий ҳамда жисмоний жиҳатдан вояга етмаган шахсларнинг турмуш қуриши оилада турли хил келишмовчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Жумладан, ҳаёт синовларига ҳали тайёр бўлмаган қиз (келин)дан ўзга хонадон вакиллари хушмуомалалик, садоқат ва муҳаббат, озодалик, камтарлик, ташқи муносабатларга нисбатан жўяли жавоб беришини талаб қилади. Айниқса, жисмоний жиҳатдан вояга етмаган аёлнинг фарзанд кўриши она ва болалар ўлимининг кўпайишига олиб келади.

Никоҳ — умр савдоси. Шу ўринда келажакда турмуш қуришни ният қилган йигит ва қизлар ўзларини доимо турмушга, ота ёки она бўлишга тайёрлаб боришлари лозим. Бунинг учун биринчи навбатда, ўз соғлиги, танлаган жуфтининг ҳулқ-атвори, дунёқараши ўзига қай даражада мос келиши тўғрисида ўйлаши керак. Зотан, соғ-саломат онадан соғлом фарзанд туғилади. Оила фаровонлиги ва барқарорлиги жамият, давлат фаровонлиги ва барқарорлиги негизи бўлиб хизмат қилишини унутмаслик керак.

Шерзодбек ШОДМОНАЛИЕВ,
ҳуқуқшунос



Тахririsiz maktub

"ҚИРОВЛИ КУНЛАР БОШЛАНДИ, БИРОҚ..."

Биз, Тошкент туманидаги Келес даҳаси аҳолисини кўп йиллардан буён бир муаммо қийнаб келади. Бу ҳам бўлса, даҳамизда ҳамон ўз ечимини топа олмаётган сув масаласидир. Гап шундаки, ёз мавсумида аҳолига совуқ сув йигирма тўрт соат ичида олти соат муддатга берилади. Иссиқ сувнинг бир кечакундузда бериладиган миқдори ҳам шунча. Фақат қиш мавсумида иссиқ-совуқ сув берилишининг муддати (соати) бироз ошади. Ваҳоланки, қайси фаслда бўлмасин, иссиқ-совуқ сувсизлик кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолига катта қийинчилик туғдиради. Лекин аҳолидан тўлов нархи йил давомида йигирма тўрт соат учун олинади. Иссиқ сув эса сентябр ойидан бошлаб, умуман тўхтатиб қўйилди. Ҳатто хонадонларда ҳозиргача иссиқлик манбаи йўқ. Бу ҳақда тумандаги тегишли ташкилоти раҳбари Х.Ғуломовга мурожаат қилинганда, у аҳолининг қарзи кўп эканини таъкидлади. Наҳотки, аҳоли қарздор бўлса, ахир, ҳар бир кишидан доимий равишда совуқ сув учун ҳақ олинади-ку? Пулини олиб, хизматига келганда эса...

Даҳада яшовчи аҳолининг бир неча вакили айни шу масалада туман ҳокимига оғзаки равишда мурожаат этишганда ҳоким муовини Т.Турсунов уларга кўпол оҳанг билан: "Керак бўлса, иссиқ ва совуқ сув учун йигирма тўрт соатга пул тўлайсизлар", дея жавоб бериб, қайтариб юборган. Ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан қараётган айрим раҳбарлар бугунги қировли кунларда бир кун иссиқлик манбаи ва иссиғу совуқ сувсиз яшаб кўрсалар эди, шундагина аҳволни бироз бўлса-да, ҳис қилган бўлишармиди?!

Бу муаммонинг адолатли ҳал этилишида таҳририятдан мадад кутиб қоламиз.

Б.ЮСУПОВ, А. ТОШКЕНБОЕВ,
Тошкент тумани, Келес даҳаси

Yasha va yodingda tut

ҚАЙТАР ДУНЁ

1938 йилнинг 11 феврали. Тошкентда шундай бир воқеа рўй бердики, у оғиздан оғизга кўчиб, "довруғи" элга тезда ёйилди.

Орадан 55 йил ўтиб, мустақилликка эришганимиздан сўнг отаси қамалган чоғда ёш бўлган ўғли Вадудхон 1992 йилда падари изини излаб, тегишли идораларга мурожаат қилди. Отасининг суддан сўнг Ярославль области, Рибинск шаҳрига жазо ўташга жўнатилгани, орадан бир йил ўтиб, Куйбишев шаҳрига кўчирилгани, уруш бошлангач эса, (яъни 1941 йилдан буёғига) тақдири қандай кечганини билмаслигини билдирди. Отаси тақдири қандай кечганини фарзанди эллик бир йил давомида билмаса, бундан ортиқ кўргилик борми дунёда?!

«...Биз, фарзандлар отамизнинг қаерда бўлгани, тақдири қандай якун топиб, қачон ва қаерда вафот этгани ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз..." деб ёзади у.

Бу сатрларни ўқиркансан, куни кеча халқимиз бошидан кечирган мустабид шўро замони даҳшатлари кўз олдимиздан бир-бир ўтади.

Фақат миллий истиқлолга эришгач, ана шундай бедодликка чек қўйилди. Мен мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси аъзоси сифатида истибдод йилларида мусулмон руҳонийларини жазога тортишга доир ҳужжатларни ҳам ўрганиб чиқдим. Булар орасида қўшимча текширувга доир 6 жилдлик 4578-рақамлик жиноят ишини ўрганганимда, Ҳасанхон Абдумажидхонов қисматига доир битикларга дуч келдим...

"Ҳасанхон Абдумажидхонов ЖКнинг 57-1 ва 67-моддаларига кўра айбдор деб топилиб, ИИХ Комиссарлигининг Тошкент турмасига қамалсин", дейилган ўша қарорда.

"Хатга тушдинг — ўтга тушдинг", деганлари шу бўлса керакки, эртасигаёқ яна бир ҳужжат пайдо бўлади.

40/59-рақамли бу ордерда Серебряков деган ходимга Октябр туманидаги Тиккўча маҳалласида истиқомат қилган Ҳасанхон Абдумажидхоновнинг уйини тинтиш ва уни ҳибсга олиш кўрсатилганди.

Буйруқ ижро этилади. Хонадондан чиққан хат ва китоблар ёндириб йўқотилгани тўғрисида акт тузилади.

Маҳбуснинг анкетаси тўлдирилиб, унда Ҳасанхон Абдумажидхоновнинг оилали эканлиги, Вадуд, Хадича, Собира ва Борий исмли фарзандлари борлиги кўрсатилади. Орадан бир ҳафта ўтиб, йилнинг 16 февралига келиб, унга айб тақаш ҳақида қарор чиқарилади ва қуйидагилар рақам этилади:

(Давоми тўртинчи бетда)

Jahon tajribasi

ХАЛҚАРО ПАРАТАШКИЛОТЛАР: ЛОНДОН КЛУБИ

Халқаро параташкилотлардан бири бўлган "Лондон клуби" доирасида битимларни имзолаш жараёни ҳам эътиборга лойиқ. "Лондон клуби"да битимларни имзолашдан олдин ташқи қарзни тартибга солишга доир узоқ муддатли музокаралар ва дастлабки битимларни имзолаш, ишчи ҳужжатлар, хусусан, қарз миқдори ва тузилмасини таққослаш тўғрисидаги ҳужжатларни мослаштириш жараёни бўлиб ўтади. Бундай босқичлар бир нечта бўлиб, уларнинг кетма-кетлик тартиби ва мазмуни ўзаро мос келмаслиги мумкин. Чунки ҳар бир босқичда хусусий-ҳуқуқий ва оммавий-ҳуқуқий оқибатларга эга ҳаракатлар содир этилади. Биринчи босқичда мораторий эълон қилинади, яъни музокаралар чоғида ташқи қарзларга доир мажбуриятлар ижроси тўхтатиб қўйилади. Бу қарздор давлатнинг тегишли баёнотини ёки бошқа ҳужжатни қабул қилиш орқали амалга оширилади. Бундай ҳужжатнинг қабул қилиниши қарздорни мораторий амалда бўлган даврда қарз бўйича тўловни кечиктирганлиги учун жарима тўлашдан озод этади.

Музокараларнинг иккинчи босқичида қарз тўлаш муддатлари, миқдори ва таркиби белгиланадиган реструктуризация жараёни режалаштирилади. Бунда кредитор ҳамда қарздорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ҳамда тугатиш учун тайёргарлик ишларини бажаришга қаратилган тадбирлар амалга оширилади.

Мазкур ташкилий тадбирларнинг оқибатлари учинчи шахсларга ҳам дахлдор бўлиши мумкин. Ушбу босқичда қарздор ва кредиторлар ўртасида ўзаро мақбул якуний натижага эришишга қаратилган ҳамкорлик амалга ошгани учун уни шартномадан олдинги босқич сифатида таърифлаш мумкин.

Учинчи босқичда олдинги босқичда қайд этилган кўрсаткичларни аниқлаш ишларини бажариш ва кредиторларнинг манфаатларини самарали ифода этиш учун банк-консултатив консорциуми — БКК тузилади. Унинг чегаралари, вазифалари ҳамда ваколатлари иштирокчи кредиторларнинг тегишли келишуви билан белгиланади. БКК ташқи қарзни реструктуризациялаш жараёнига киришар экан, муайян битимларнинг лойиҳаларига розилик билдиради. Бироқ келгусида ҳам дастлабки, ҳам якуний битимлар кредиторлар ва қарздорлар томонидан иккитомонлама асосда имзоланади.

Тўртинчи босқичда қарздор давлатнинг ишончли маълумотларни тадим этиши тўғрисидаги меморандум тузилади. Меморандумда қарздор давлатнинг иқтисодий ва молиявий ривожланишига оид, шунингдек, муҳокама этилаётган реструктуризация кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда унинг қарзга хизмат кўрсатиш ва уни қоплаш имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар ўз ифодасини топиши шарт.

Бешинчи босқич кредиторлар йиғилиши бўлиб, унда қарздор билан учрашув ўтказилади. Бунда меморандумда кўзда тутилган ахборот тақдим этиш мажбуриятининг бажарилиши баҳоланади ва дастлабки шартлар келишиб олинади.

Олтинчи босқичда кредиторлар ва қарздорлар ўртасида икки томонлама битимларни тузиш, уларнинг шартларини узил-кесил келишиб олиш ҳамда имзолаш тўғрисидаги музокаралар бўлиб ўтади. Қоидага кўра, битим қарздор фоизлар маблағини нақд ҳолда тўлаганидан сўнг кучга киради. Ушбу босқичда кўрсатилган шартномалар ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар миллий ҳуқуқий тизимлар учун ҳам, халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан ҳам аҳамиятли бўлган муайян ҳуқуқий оқибатларга эга. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ташқи қарзни реструктуризация қилишга доир ҳуқуқий муносабатларга нисбатан кредит битимларига татбиқ этиладиган ҳуқуқий тартибот, хусусан, инглиз ҳуқуқи, Нью-Йорк ҳуқуқи, немис ҳуқуқи ёки бошқа миллий-ҳуқуқий тизимлар қўлланади. Шуниси ҳам борки, ҳуқуқий оқибатлар турли ҳуқуқий тизимлар учун ҳар хил бўлиши мумкин. Реструктуризация тўғрисидаги шартномалар турли-туман миллий ҳуқуқий тизимларнинг резидентлари ҳисобланган кредиторларнинг ҳар бири томонидан иккитомонлама асосда имзолангани сабабли шундай вазият юзага келиши мумкинки, унда кўп сонли иккитомонлама шартномаларнинг ҳар бир у ёки бу мамлакат ҳуқуқига бўйсунади.

Халқаро параташкилотларнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида ажратиш имконини берадиган иккита ўзига хос хусусияти мавжуд. Биринчидан, мазкур тузилмаларни халқаро ҳуқуқ (у ёки бу миллий ҳуқуқ) субъекти деб ҳисоблаш имконини берадиган таъсис ҳужжатлари мавжуд эмас. Мазкур ҳужжатларнинг махфий тусдалиги масаланинг моҳиятини ўзгартирмайди. Зеро, ҳуқуқий шахснинг зарурий хусусияти мақомнинг ошкоралиги, яъни бошқа ҳуқуқ субъектлари томонидан баён қилинган даъволарга жавоб бериш лаёқатидан иборат. Иккинчидан, параташкилотлар халқаро ташкилотларга хос бўлган муайян ички ташкилий тузилма ва иш тартибига эга эмас. Кўпинча уларнинг муайян бир манзили ҳам мавжуд эмас (Масалан, "Катта саккизлик"). Бироқ ошкора таъсис ҳужжатлари мавжудлигининг ўзи ҳуқуқий лаёқати халқаро ташкилот мақоми ҳосил бўлишини англатмайди. Бунинг учун муассисларнинг айнан муайян даражадаги халқаро ҳуқуқий лаёқатга эга ташкилотни тузиш бўйича якдил хоҳиш-иродаси бўлиши лозим. Агар бундай ният яққол кўзга ташланмаётган бўлса, ҳар қандай халқаро тузилма, гарчи у ташкилотнинг алоҳида элементлари, белгиларига эга бўлса-да, халқаро ташкилот ҳисобланмайди. Айни чоғда шуни таъкидлаш лозимки, параташкилотларга (ҳуқуқ субъекти ҳисобланмайдиган) халқаро конференциялардан фарқли равишда фаолиятнинг нисбатан барқарорлиги, йиғилишлар, учрашувлар ва ҳоказолар мунтазам ўтказиб турилиши хосдир.

Параташкилотларга бўлган кучли таҳлилий қизиқишни оқловчи энг муҳим жиҳат — уларнинг айнан халқаро ҳуқуқ субъектлари, жумладан, давлатлар билан норасмий алоқаларининг аҳамиятидир. Бу ўринда шуни назарда тутиш керакки, параташкилотлар номидан битимлар тузиш имконияти мустасно қилинмайди. Бироқ ушбу битимларнинг ҳуқуқий кучи (vis obligandi) маънавий-сиёсий мазмундан ортиқ бўлмайди.

Бу ерда гап халқаро ҳуқуқда маълум бўлган ҳужжатлар, масалан, жентелменлик битимларига ўхшашлик тўғрисида бормоқда. Бироқ амалда параташкилотларнинг ҳуқуқ субъектлари билан тегишли битимлари нуфузли халқаро ташкилотлар доирасидаги фаолиятнинг аҳамиятидан ошиб кетувчи муҳим ҳуқуқий оқибатларга эга бўлиши мумкин. Параташкилотлар фаолияти натижасида ушбу фаолиятга жалб этилган ҳуқуқ субъектлари орасида ҳуқуқий муносабатлар юзага келиши мумкин.

Хулоса шуки, халқаро параташкилот сифатида шундай тузилма (институция)ларни эътироф этиш лозимки, улар халқаро ташкилотнинг муайян белгиларига эга, бироқ улар етарлича аниқ белгиланмаган. Бу ноаниқлик натижасида муассисларнинг тузилмани муайян халқаро ҳуқуқ субъектлигига эга халқаро ташкилот сифатида ташкил этиш истаги яққол кўзга ташланмайди. Халқаро параташкилотлар кўп томонлама ва иккитомонлама бўлиши мумкин. Иккитомонлама параташкилотларга давлатлараро иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги узоқ муддатли битимлар бўйича ҳукуматлараро комиссиялар, кредит шартномалари ижросини кузатиш комиссиялари ва бошқалар мисол бўлади. Ҳозирги даврда кўплаб параташкилотларнинг вужудга келиши тасаодифий ҳодиса эмас. Буни давлатлар ва бошқа ҳуқуқ субъектларининг у ёки бу муаммолар ечимини айнан норасмий тарзда, консессуал ёндашув асосида топишга интилиши билан изоҳланади. Бундай ёндашув ҳозирги давр белгисига айланиб бораётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Муаттар РАҲИМОВА,
ҳуқуқшунос

ҚАЙТАР ДУНЁ

(Боши учунчи бетда)

"Ҳасанхон Абдумажидхонов Жиноят мажмуасининг 57-1, 67 ва 66-1 моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилсин..."

Орадан яна тўққиз кун ўтиб, у айблаш ҳақида қарор билан таништирилади. Шундан сўнг тергов бошланади.

1938 йилнинг 28 декабрида бўлиб ўтган илк терговларнинг бирида терговчининг "Сиз Жиноят мажмуасининг 67 ва 66 моддасининг биринчи банди билан айбланасиз. Ўзингизни айбдор ҳисоблайсизми?» деган саволига маҳбус "Йўқ, ўзимни айбдор санамайман", деб жавоб беради.

Авахтада тун каби зим-зиё қора кунлар имиллаб ўтиб боради. Уйдан, хотин, бола-бақрадан ҳеч қандай дарак йўқ — бу ёруғ оламда ҳеч қачон ҳеч кими бўлмагандек гўё.

Бу орада 1938 йил ҳам охирлаб қолади. 28 декабр куни кутилмаганда, Ҳасанхон Абдумажидхоновнинг айблов бўйича тергов материалларини ўрганиб чиқилди ва бу ишда маҳбуснинг ЖКнинг 57-моддаси 1-банди бўйича жиноят қилганидан белги йўқлиги ҳисобга олиниб, айблаш ҳақидаги қарордан 57-модданинг биринчи бандини бекор қилиш тўғрисида қарор чиқарилади. Демак, маҳбусни айблаш ҳақидаги моддаларнинг бири бекор этилди. Ҳар ҳолда иш енгиллашиш тарфга қадам босди, деса ҳам бўлади.

Лекин негадир Ҳасанхон Абдумажидхонов яна тегишли идорага қуйидаги мазмунда ариза йўллайди:

"1938 йилнинг 11 февралида ҳибсга олинганман. Тергов 1938 йилнинг декабрида тугаганига икки ойдан ошди. Менинг ишимга якун ясашни тезлатиш борасида ишга сизнинг аралашмоғингизни сўрайман. Шу нарсани таъкидлаб ўтмоқни истар эдимки, мен ҳам ҳеч қачон аксилинқилобий ташкилотига аъзо бўлмаганман. Бу ҳақда тергов жараёнида терговчига ҳам айтганман".

Аризани маҳбус 1939 йилнинг 4 феврали куни Тошкент турмасидан ёзиб жўнатган бўлса, орадан ярим йил ўтгач, 1939 йилнинг 3 августида ҳукм чиқарилади. Ҳасанхон Абдумажидхонов устидан ўн йил озодлик, 5 йил сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарилади. Аммо барча терговларда Ҳасанхон Абдумажидхонов "ҳеч қандай айбим йўқ", деб сўзида қаттиқ туради.

Лекин кўп ўтмай Ҳасанхон Абдумажидхоновнинг саъй-ҳаракати билан унинг қисматида ўзгариш юз беради. Унга тайинланган 10 йиллик жазо муддати 5 йилга қисқартирилади.

Эҳтимол, ўшанда маҳбус эсон-омон юртига етиб бориш, фарзандлари, қавм-қариндошлари билан дийдор кўришишни орзу қилган бўлса, ажаб эмас.

Аммо дийдор кўришиш қиёматга қолди, чоғи. Ўғли Вадудхоннинг ёзишича, отаси аввал Ярославл вилоятидаги Рибинск шаҳрида, сўнг Куйбишев шаҳрида жазо муддатини ўтаб юрган. Ўғлининг тахминича, 1941 йилда у Сахалинга жўнатилган бўлиши керак. Аммо 1992 йилнинг 27 февралигача (ҳибсга олинганига 51 йил бўлганида ҳам) беш йил жазо муддатини ўтамоғи лозим бўлган отадан дарак бўлмайди. Отаси билан дийдор кўришмоқни орзу қилган, унинг қайтишини кўзлари тўрт бўлиб интиқ кутган фарзандлар ниятларига етолмадилар. Бу йиллар ичида хотини ва қизлари Хадича, Мўътабар билан Азиза, ўғли Вадудхон ҳам ота дийдорига зор-интизор ҳаётдан кўз юмди.

Шу ерга етганда, ўйланиб қоламан. Бу дунёда бегуноҳ одамга ёмонлик қилган кимса жазосиз қолмайди.

Дарҳақиқат, мен ўрганган ҳужжатлар бу фикрни тасдиқлайди.

Айнан ушбу 4578 рақамли иш бўйича турли қарор ва айблов хулосаларини тасдиқлаган кимсаларнинг бир қанчаси жазоланганидан воқиф бўламан.

1938 йилнинг 13 февралида ички ишлар халқ комиссарлигининг тезкор мажлисида ички ишлар халқ комиссари Апресян ходимларга қарата шундай деган:

"Эндиликда сизларга маълум тоифадаги одамларни ҳибсга олиш имкони пайдо бўлди. Шуниси ҳам борки, бу ишда биз суд ташкилотлари сингари ҳар қандай ҳимоячилардан халосмиз... Бу борада партия ҳам, Ежов бошчилигида раҳбарият ҳам биз тарафда..."

Мазкур жиноят ишини ўрганиш жараёнида Ҳасанхон Абдумажидовни ҳибсга олиш ҳақидаги қарор чеккасига «Тасдиқлайман Апресян», деб имзо чекилган. Маълум бўлишича, кейинчалик унинг ўзи ҳам ҳибсга олинган экан. Ҳужжатлардан маълум бўлишича, ички ишлар халқ комиссаи муовини Леонид Исакович Леонов — Немировский ҳам қамалган. Бу рўйхатда 4-бўлим бошлиғи Леон Андреевич Оғабеков, ички ишлар халқ комиссари Николай Андреевич Загвоздинлар ҳам бор. Ҳужжатларнинг далолат беришича, Леонов терговда ўзини гуноҳкор деб тан олмаган. Ежовнинг топшириғини адо этганлигини рўкач қилган.

Ким билади, эҳтимол, унинг сўзида ҳам жон бордир. Ахир, 1937-38 йиллардаги қатағон машинаси бутун иттифоқ коммунистик (большевиклар) партияси марказий қўмитаси сиёсий бюросининг 1937 йил 2 июлидаги "Советларга қарши унсурлар тўғрисида"ги махсус қарорига асосан бошланганлиги ҳақидаги ҳужжатлар ошкор бўлди-ку!

Бу мудҳиш қарорнинг "Советларга қарши унсурлар" деб номланган бобининг 187-бандида советларга қарши унсурларни текшириш бўйича «учлик»лар қайси ҳудудда, кимлардан иборат бўлишини тасдиқлашга қарор қилинади ва бир йўла қайси Республика ёки ўлкадан қанча жиноятчи жазоланиши, қанча киши қулоқ қилиниши кўрсатилган.

Масалан, Бошқирдистондан 2000 нафар Ленинград областидан 100 нафар, жиноятчининг отувга белгиланиши ҳамда 1200 нафар киши қулоқ ва 275 нафар жиноятчининг отувга белгиланши, 140 нафар киши жазоланиши кўрсатилади...

Yasha va yodingda tut

1937 йилнинг 2 июлида тасдиқланган бу қарорда ҳатто қатағон тегирмонини юргизишга сарф этилажак маблағ ажратилиши ҳам назарда тутилган.

Қарорнинг "Операцияга раҳбарлик қилиш ва ҳисобот" дея номланган еттинчи бўлимининг бешинчи бандида қуйидагича кўрсатма берилади:

"Ички ишлар Халқ Комиссарлигига оператив чиқимлар учун Халқ Комиссарлар Советининг резерв фондидан 75 миллион сўм ажратилсин. Бу маблағнинг 25 миллиони темир йўл ҳақини тўлашга белгилансин".

Ҳа, "И. Сталин" деб имзо чекилган қарорда қанча фуқаро ҳибсга олиниши ва улар ўзларига ўзлари хизмат қилиб, тутқунгоҳларни ҳам ўз қўллари билн бунёд этишлари режалаштирилган эди.

Ҳасанхон Абдумажидхонов ҳам ана шу тутқунгоҳларни тўлдирган миллионларнинг бири эди.

Лекин минг афсус ва надоматлар бўлсинки, ўн йиллик жазо муддати суд қарори билан беш йилга қисқартирилган Ҳасанхон Абдумажидхоновдан орадан олтмиш тўрт йил ўтса ҳамки, дарак бўлмайди.

Ўша машъум 1938 йилнинг 11 февралидан буёғига олтмиш тўрт йил ўтди. Бу йиллар давомида саккиз кишидан иборат оиладан кенжа ўғли Борийхон Ҳасановгина фарзандлари билан бирга оламдан ўтганларнинг чироғини ёқиб ўтирибди. Бошқаларга насиб этмаган ёруғ кунлар — мустақил диёрда эркин яшаш тақдири киношунос олим Борий Ҳасановга насиб этди. Мустақил диёрда яшаш бахти Ҳасанхон Абдумажидхоновнинг набира, абираларига насиб этди.

Ҳар гал фотиҳага қўл очган чоғда, Борийхон Ҳасанов, албатта, "Ҳурриятимизга кўз тегмасин!" дейди.

Ҳа, шундай. Халқимизни бу каби бедодликлардан фақат миллий истиқлолимиз халос этди. Бугун Президентимиз ташаббуси билан мустабид тузум даврида Ҳасанхон Абдумажидхонов сингари бу дунёда кун кўрмай ўтиб кетган минглаб аждодларимиз хотирасига муносиб ҳурмат кўрсатилмоқда.

Холида АҲРОРОВА,
мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси аъзоси

ЖАҲОННИ ЛАРЗАГА СОЛГАН СУИҚАСД

ЁХУД ПРЕЗИДЕНТ КЕННЕДИНИНГ СИРЛИ ЎЛИМИ ТАФСИЛОТЛАРИ

Taqdir tarixi

1963 йилнинг 22 ноябрида Даллас шаҳридаги мактабларда биринг чордоғидан Америка Қўшма Штатларининг 35-президенти Жон Фитсжеральд Кеннеди отиб ўлдирилди. Қотил отган ўқ нишонга аниқ текканди. Бу улкан мамлакат тарихидаги машҳур шахслардан бири бўлган Президент Кеннединг ўлими жаҳоншумул шов-шувлардан бирига айланиб, ўша давр матбуоти томонидан кенг миқёсда ёритилди ва талай жумбоқли томонлари билан ҳали-ҳамон жаҳон оммасининг диққат-эътиборидан четда қолганича йўқ. 1964 йилда Президент Кеннединг хотини Жаклин хоним ўша даврнинг кўзга кўринган журналисти Уильям Манчестерга ана шу машъум воқеа ҳақида каттароқ бир китоб битишни таклиф этади. Ўша пайтларда Адлия вазири лавозимини эгаллаб турган акаси Роберт Кеннеди эса Уильям Манчестер билан шартнома тузади. Муаллиф китобни 1968 йилнинг кузигача тугатиб бериш мажбуриятини олади. Молиявий томонлари ҳам келишилади.

Уильям Манчестер ўз мажбуриятини муддатидан бир йил илгари уддалайди. Китоб 1967 йилда ёзиб тугатилади. Тез орада кўп шов-шувларга сабаб бўлади ва дунёнинг кўп тилларига ўгирилиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилади. Уильям Манчестернинг китоби Президент Кеннединг ўлимига ва ўлимидан кейинги воқеаларнинг аниқ далиллар ёрдамида кенг кўламда, қизиқарли ёритилиши билан ўқувчи диққатини ўзига тортади. Бу ўта истеъдодли сиёсатчи ва фожеий шахс ҳаётининг кўп ибрат оларли жиҳатларини бешафқат тарзда ҳаққоний акс эттиргани билан ҳам эътиборга лойиқдир.

Қуйида ўз даврида муаллифига кўп обрў-эътибор келтирган "Президент Кеннединг сирли ўлими" сиёсий романидан айрим бобларни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этамиз.

Қиш манзаралари

Ушбу сондаги суратлар муаллифи А. ЖУМАЕВ

Он нуқтаси бўлиб хизмат қилиши керак эди.

Машъум воқеадан анча кейин Жонсон "президент билан Техасдаги сиёсий аҳволни муҳокама қилишгани" ҳақида жуда эҳтиёткорлик билан фикр билдирганди. Аммо ўшанда суҳбат фақат бу мавзу атрофида айланмаганди. Кеннеди сайловолди курашларида иштирок этишни яхши кўрсада, ўша пайтда бунинг мавриди эмасди. 1960 йилдаги сайлов компаниясида у бу ерда жуда ажойиб сиёсатчи эканини намойиш этганди. Кеннеди Техасдаги оғир аҳволни тушунган ва юзага келган тангликни қандай бўлмасин бартараф қилиш йўлларини излар, шунинг учун ҳам охир-оқибат боришга қарор қилганди. Кеннедига баъзан бу сафар мажбуран уюштирилаётгандай бўлиб туюларди ҳам. У бундай майда жанжални Жонсоннинг ўзи ҳам бартараф этиши мумкин деб ҳисобларди. Шу боис ҳам, сафарга хушламайгина отланганди...

Жонсон ёшлик чоғлариданоқ қийинчиликларни бартараф этиб ўрганганди. Лекин у ҳозир ҳақиқатан ҳам мураккаб бир муаммога дуч келганди. Бу унинг сиёсий арбоб сифатидаги ўрни билан ҳам боғлиқ масала эди. Жонсон ҳам баайни Кеннедига ўхшаб сиёсат майдонида ўзига хос тарзда пайдо бўлганди. Пайдо бўлгандию кўп мураккабликларга дуч келиб, уларни баратараф этолганди ҳам. Бунда унинг сайловчининг овози кетидан қувиш одати жуда қўл келганди. Тақдир ўйинини қарангки, Жонсон тушиб қолган ҳозирги мураккаб шароитнинг илдизи демократлар республикачилар устидан ғалаба қозонган ўша 1960 йилга бориб тақаларди. Ўшанда бу икки демократ республикачилардан бўлган Ричард Никсон ва Генри Кэбет Лож устидан ғалаба қозонишиб, бу улкан мамлакатнинг президентлик ва вице-президентлик шоҳсупасига кўтарилишганди. Жонсонга насиб этган лавозим жуда тушунарсиз, кам аҳамият касб этарди. Бу мамлакат биринчи президенти ўз лавозимига ўтирган бир юз етмиш тўрт йилдан бери Америка халқи бу лавозимга жуда бефарқ қараб келди. Ижрочи ҳокимият бошлиғининг асосий танячи бўлиб хизмат қилган бу лавозимда ўтирганлардан камдан-кам шахсларга кейинги сайловларда ютиб чиқиш насиб этди, холос. Уларнинг номларини ҳам аҳолининг жуда кам қисмигина биларди. 1845-1849 йилларда АҚШ вице-президентлигига Даллас исмли одам сайланганди. Ана шунга ўхшаган камдан-кам сиёсатдонгина ўз номини тарихда абадиятга муҳрлатолганди... Жонсон ўзининг ҳеч бир аҳамият касб этолмайдиган ўринбосар эканини тушуниб қолганди. У айрим конгрессчиликларга ўзига нисбатан юқори мавқега эга эканликларини кўриб сиқила бошлади. Илгарилари ўзини жуда кучли сиёсатдон санаган Жонсон энди жуда ҳам фаолиятсиз, ўзини кераксиздек ҳис этиб юрарди. Техасдаги ўз тарафдорларидан бўлган Саре Г. Хьюза федерал суд бошлиғи лавозимини ундириб олиб бериш учун нафақат ҳукматда, балки ҳукумат ортида ҳам жуда кўп қаршиликларга дуч келганди... Яна вице-президент бу штатдан бўлган Ральф Ярборо сенатор сифатида ярим ўринларни тақсимлаш ҳуқуқидан маҳрум этилишини талаб қилиб чиққан ҳам эди. Негаки, Техас штатидаги унинг собиқ сайловчилари ҳали-ҳануз Жонсонни катта сенатор деб ҳисоблашларини рўкач қилиб кўрсатганди. Кеннеди уни тўғри тушунди ва ёрдамчисига мазкур штатдаги ярим лавозимларни тақсимлаш ҳуқуқи берилди. Бунга кўра, у судьяларни, божхона амалдорларини, чегарани қўриқлаш хизматидаги юқори мансабдорларни лавозимга тайинлаш, лавозимдан олиши мумкин эди. Лекин у бу номзодларни Ярборо эътироз билдирмасагина амал курсисига кўтара оларди. Бу нарса Жонсоннинг собиқ ҳимоясида бўлган Коннэлида ҳеч бир таассурот уйғотмади. Ярборо эса ғазабланганданғазабланди...

Шундай қилиб, вице-президент олдига кўндаланг чиққан муаммолар унинг ўзи томонидан ўйлаб топилган эмасди. Бу муаммолар у эгаллаб турган лавозим, Техас штатининг тарихи билан бирга юзага келганди. Кеннеди ҳеч бир иккиланишсиз Жонсон сенатда ўз кучли нуфузини сақлаб қолади, яна бу нуфуз ўзаро алоқалардангина иборат бўлмайди, деб ўйлаганди. Зеро, Конгресс билан алоқалар бўйича президентнинг махсус ёрдамчиси Лэрри О' Брайен бу муносабатларни бутун бир афро-осиё блокига довур бориб туташишини таъминлай олган деб фаҳмларди. Қисқаси, у сенатда ҳақиқий йўлбошчига айланган вице-президентни ўз ёнида олиб юришни истаганди. Лекин ана шундай бўлиб чиқмади. Кеннеди ҳокимиятга келишининг дастлабки йилларида Вашингтон журналистлари даврасида унинг ана шу истакни амалга оширишга эришишига шубҳа қилувчилар камдан-кам эди, аммо бу ният амалга ошмагач, президентнинг ўзи кейинчалик бунда ҳеч кимни айблай олмаслигини эътироф этди.

Мухтасар қилиб айтганда, Линдон Жонсон ўз лавозимининг қули эди. Бу лавозимда ҳеч қачон ўтирмаган Жон Кеннеди унинг бунчалар ожиз кас эканлиги ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасди. Шундай эса-да, Кеннеди вице-президентлик лавозими "ачинарли бир амал курсиси" эканини жуда яхши тушунар, Жонсонни деб Оқ уй қарорларини қайта кўриб чиққанди.

Жонсон журналистлар билан бўлган учрашувларда бу нарсаларга қўникиб қолганини таъкидлар, шунинг баробарида Президент Кеннеди ҳар гал уни ҳайратлантира олиш қобилиятига эга эканини ҳам такрорлашдан чарчамасди. Президентнинг унга бўлган ишончини оқлаш мақсадида Жонсон бирор марта чегарадан ташқарига чиқмасди. Миллий хавфсизлик кенгашининг йиғилишларида давлат бошлиғи унинг фикрини сўрасагина сиёсий масалалар ҳақида гапиришга мажбур бўларди. Жонсонни жуда қийнаган нарса унинг камфаоллиги эди. У сенатда раислик қилиш билан бирга расман кундалик одатий ишлар билан шуғулланарди. Юзаки қараганда, Оқ уйдаги уч йиллик фаолият уни қийнаб, кучқувватини олгандек кўринарди. Ҳақиқатда эса ундай эмасди... Техас сафарига боришдан аввал унинг асосий вазифаси ана шу сафар олди ишларини ниҳоясига етказиш эди. Ўз юртидаги икки сиёсатдон келишмовчиликларига қозилик қилиш иши ҳам унга ёқимли туюлмас, шу сабабдан ҳам бу қарама-қаршиликка барҳам беришга бутун иқтидорини сарфлашни ҳам истамаётганди. У мазкур сафардан ҳеч нарса ютмас, аммо омадсизлик қилиб қўйса, кўп нарсани бой бериб қўйиши ҳам ҳеч гапмасди...

Ноябрь ойининг бошларида Жонсон Уэлшда — Колифорния авиация заводининг очилишида катта нутқ сўзлади. Сўнг эса у ердан учокда ўз ранчосига келиб тушиб, телефон гўшагини қўлига олган кўйи қунбўйи сиёсий тушликларга патта тарқатиш ишлари билан машғул бўлди. 19 ноябрь, сешанба куни эса у Далласга учиб бориб, амриқо фабрикачиларининг йиғилишида нутқ сўзлади. Бу ерда у спиртсиз ичимликлар ичишни таргиб қиларкан, "Америкада ишлаб чиқарилган бўлар-бўлмас кайф тарқатувчи ичимликларга пул ,сарфлайверманглар", деб бу нарсага муккасидан кетганларни ўткир танқид остига олди...

Русчадан Аббос САИД таржимаси.
(Давоми бор)

ТЕХАС САФАРИ

Жон Кеннеди ва Линдон Жонсон табиатан ҳар хил одамлар тоифасига мансуб бўлса-да, уларни сиёсий курашга бўлган иштиёқ бирлаштириб турарди. Айнан ана шу ички сиёсий кураш президент ва вице президентини 1963 йилнинг кеч кузида Вашингтондан минг милдан ортиқ олисликда бўлган мамлакат ичкарисидаги Техас штатига сафарга жўнашларига сабаб бўлди. Чунки Техасдаги демократлар фирқаси вакиллари орасида юз бераётган ўзаро ихтилоф хавфли бўлиб, фирқа ичида бўлиниш юз бериши мумкин эди. Энг ёмони, Техас губернатори Жон Коннэли ва мазкур штат сенатори Рольф Ярборо бир-бири билан адоватда эди.

1960 йилги президентлик сайловларида Кеннеди ва Жонсон бу штатдан жуда оз, бор-йўғи 46233 та овоз олишганди. Агар бу штатнинг губернатори ва сенатор якин ойлар ичида ўзаро келиштириб қўйилмаса, 1964 йилнинг кузидаги, президентлик сайловида демократлар фирқаси ғалаба қозониши амримаҳол эди. Ҳеч қайси фирқа ўзининг қарийб чорак фоиз сайловчисини йўқотишга йўл қўёлмас, шунинг учун ҳам Кеннеди ва Жонсон фирқа ишларини эпақага келтиришни мўлжаллаган, яна ташриф чоғида кенг жамоатчиликни ўз томонларига оғдиришни ҳам кўзда тутган эдилар. Коннэли ва Ярборо ўзаро келишмовчиликка чек қўйиб, мамлакат президенти ва вице президентини Техаснинг энг йирик бешта шаҳари билан таништиришга мажбур этилганди. Президент Кеннеди томонидан Жонсоннинг таклифи қабул қилиниб, унинг ранчосига ташриф буюриш ва мамлакатда баобрў саналган бу оиланинг хос таомидан тотиниш сафарнинг кульминацион нуқтаси бўлиб хизмат қилиши керак эди.

Машъум воқеадан анча кейин Жонсон "президент билан Техасдаги сиёсий аҳволни муҳокама қилишгани" ҳақида жуда эҳтиёткорлик билан фикр билдирганди. Аммо ўшанда суҳбат фақат бу мавзу атрофида айланмаганди. Кеннеди сайловолди курашларида иштирок этишни яхши кўрсада, ўша пайтда бунинг мавриди эмасди. 1960 йилдаги сайлов компаниясида у бу ерда жуда ажойиб сиёсатчи эканини намойиш этганди. Кеннеди Техасдаги оғир аҳволни тушунган ва юзага келган тангликни қандай бўлмасин бартараф қилиш йўлларини излар, шунинг учун ҳам охир-оқибат боришга қарор қилганди. Кеннедига баъзан бу сафар мажбуран уюштирилаётгандай бўлиб туюларди ҳам. У бундай майда жанжални Жонсоннинг ўзи ҳам бартараф этиши мумкин деб ҳисобларди. Шу боис ҳам, сафарга хушламайгина отланганди...

Жонсон ёшлик чоғлариданоқ қийинчиликларни бартараф этиб ўрганганди. Лекин у ҳозир ҳақиқатан ҳам мураккаб бир муаммога дуч келганди. Бу унинг сиёсий арбоб сифатидаги ўрни билан ҳам боғлиқ масала эди. Жонсон ҳам баайни Кеннедига ўхшаб сиёсат майдонида ўзига хос тарзда пайдо бўлганди. Пайдо бўлгандию кўп мураккабликларга дуч келиб, уларни баратараф этолганди ҳам. Бунда унинг сайловчининг овози кетидан қувиш одати жуда қўл келганди. Тақдир ўйинини қарангки, Жонсон тушиб қолган ҳозирги мураккаб шароитнинг илдизи демократлар республикачилар устидан ғалаба қозонган ўша 1960 йилга бориб тақаларди. Ўшанда бу икки демократ республикачилардан бўлган Ричард Никсон ва Генри Кэбет Лож устидан ғалаба қозонишиб, бу улкан мамлакатнинг президентлик ва вице-президентлик шоҳсупасига кўтарилишганди. Жонсонга насиб этган лавозим жуда тушунарсиз, кам аҳамият касб этарди. Бу мамлакат биринчи президенти ўз лавозимига ўтирган бир юз етмиш тўрт йилдан бери Америка халқи бу лавозимга жуда бефарқ қараб келди. Ижрочи ҳокимият бошлиғининг асосий танячи бўлиб хизмат қилган бу лавозимда ўтирганлардан камдан-кам шахсларга кейинги сайловларда ютиб чиқиш насиб этди, холос. Уларнинг номларини ҳам аҳолининг жуда кам қисмигина биларди. 1845-1849 йилларда АҚШ вице-президентлигига Даллас исмли одам сайланганди. Ана шунга ўхшаган камдан-кам сиёсатдонгина ўз номини тарихда абадиятга муҳрлатолганди... Жонсон ўзининг ҳеч бир аҳамият касб этолмайдиган ўринбосар эканини тушуниб қолганди. У айрим конгрессчиликларга ўзига нисбатан юқори мавқега эга эканликларини кўриб сиқила бошлади. Илгарилари ўзини жуда кучли сиёсатдон санаган Жонсон энди жуда ҳам фаолиятсиз, ўзини кераксиздек ҳис этиб юрарди. Техасдаги ўз тарафдорларидан бўлган Саре Г. Хьюза федерал суд бошлиғи лавозимини ундириб олиб бериш учун нафақат ҳукматда, балки ҳукумат ортида ҳам жуда кўп қаршиликларга дуч келганди... Яна вице-президент бу штатдан бўлган Ральф Ярборо сенатор сифатида ярим ўринларни тақсимлаш ҳуқуқидан маҳрум этилишини талаб қилиб чиққан ҳам эди. Негаки, Техас штатидаги унинг собиқ сайловчилари ҳали-ҳануз Жонсонни катта сенатор деб ҳисоблашларини рўкач қилиб кўрсатганди. Кеннеди уни тўғри тушунди ва ёрдамчисига мазкур штатдаги ярим лавозимларни тақсимлаш ҳуқуқи берилди. Бунга кўра, у судьяларни, божхона амалдорларини, чегарани қўриқлаш хизматидаги юқори мансабдорларни лавозимга тайинлаш, лавозимдан олиши мумкин эди. Лекин у бу номзодларни Ярборо эътироз билдирмасагина амал курсисига кўтара оларди. Бу нарса Жонсоннинг собиқ ҳимоясида бўлган Коннэлида ҳеч бир таассурот уйғотмади. Ярборо эса ғазабланганданғазабланди...

Шундай қилиб, вице-президент олдига кўндаланг чиққан муаммолар унинг ўзи томонидан ўйлаб топилган эмасди. Бу муаммолар у эгаллаб турган лавозим, Техас штатининг тарихи билан бирга юзага келганди. Кеннеди ҳеч бир иккиланишсиз Жонсон сенатда ўз кучли нуфузини сақлаб қолади, яна бу нуфуз ўзаро алоқалардангина иборат бўлмайди, деб ўйлаганди. Зеро, Конгресс билан алоқалар бўйича президентнинг махсус ёрдамчиси Лэрри О' Брайен бу муносабатларни бутун бир афро-осиё блокига довур бориб туташишини таъминлай олган деб фаҳмларди. Қисқаси, у сенатда ҳақиқий йўлбошчига айланган вице-президентни ўз ёнида олиб юришни истаганди. Лекин ана шундай бўлиб чиқмади. Кеннеди ҳокимиятга келишининг дастлабки йилларида Вашингтон журналистлари даврасида унинг ана шу истакни амалга оширишга эришишига шубҳа қилувчилар камдан-кам эди, аммо бу ният амалга ошмагач, президентнинг ўзи кейинчалик бунда ҳеч кимни айблай олмаслигини эътироф этди.

Мухтасар қилиб айтганда, Линдон Жонсон ўз лавозимининг қули эди. Бу лавозимда ҳеч қачон ўтирмаган Жон Кеннеди унинг бунчалар ожиз кас эканлиги ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасди. Шундай эса-да, Кеннеди вице-президентлик лавозими "ачинарли бир амал курсиси" эканини жуда яхши тушунар, Жонсонни деб Оқ уй қарорларини қайта кўриб чиққанди.

Жонсон журналистлар билан бўлган учрашувларда бу нарсаларга қўникиб қолганини таъкидлар, шунинг баробарида Президент Кеннеди ҳар гал уни ҳайратлантира олиш қобилиятига эга эканини ҳам такрорлашдан чарчамасди. Президентнинг унга бўлган ишончини оқлаш мақсадида Жонсон бирор марта чегарадан ташқарига чиқмасди. Миллий хавфсизлик кенгашининг йиғилишларида давлат бошлиғи унинг фикрини сўрасагина сиёсий масалалар ҳақида гапиришга мажбур бўларди. Жонсонни жуда қийнаган нарса унинг камфаоллиги эди. У сенатда раислик қилиш билан бирга расман кундалик одатий ишлар билан шуғулланарди. Юзаки қараганда, Оқ уйдаги уч йиллик фаолият уни қийнаб, кучқувватини олгандек кўринарди. Ҳақиқатда эса ундай эмасди... Техас сафарига боришдан аввал унинг асосий вазифаси ана шу сафар олди ишларини ниҳоясига етказиш эди. Ўз юртидаги икки сиёсатдон келишмовчиликларига қозилик қилиш иши ҳам унга ёқимли туюлмас, шу сабабдан ҳам бу қарама-қаршиликка барҳам беришга бутун иқтидорини сарфлашни ҳам истамаётганди. У мазкур сафардан ҳеч нарса ютмас, аммо омадсизлик қилиб қўйса, кўп нарсани бой бериб қўйиши ҳам ҳеч гапмасди...

Ноябрь ойининг бошларида Жонсон Уэлшда — Колифорния авиация заводининг очилишида катта нутқ сўзлади. Сўнг эса у ердан учокда ўз ранчосига келиб тушиб, телефон гўшагини қўлига олган кўйи қунбўйи сиёсий тушликларга патта тарқатиш ишлари билан машғул бўлди. 19 ноябрь, сешанба куни эса у Далласга учиб бориб, амриқо фабрикачиларининг йиғилишида нутқ сўзлади. Бу ерда у спиртсиз ичимликлар ичишни таргиб қиларкан, "Америкада ишлаб чиқарилган бўлар-бўлмас кайф тарқатувчи ичимликларга пул ,сарфлайверманглар", деб бу нарсага муккасидан кетганларни ўткир танқид остига олди...

Русчадан Аббос САИД таржимаси.
(Давоми бор)

Faoliyat

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

У ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИНИ САҚЛАШ ВА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, жамиятда қонун устуворлигини қарор топтириш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар зиммасига жуда катта масъулиятли вазифалар юкланган. Хўш, жойларда ушбу вазифалар қандай бажарилмоқда? Шунингдек, олиб борилаётган ишларнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат? Ушбу саволларга Хива шаҳри ва тумани Ички ишлари бўлими бошлиғи Аминбой Тожиев қуйидагича изоҳ беради:

— Аввало шуни айтиш жоизки, зиммамиздаги вазифаларни адо этишда жамоатчилик назоратига таянаётганимиз яхши самара бермоқда. Ҳозирги пайтда содир этилаётган ҳар учта жиноятнинг бири фуқаролар ёрдамида аниқланмоқда.

Мисол учун айтадиган бўлсак, яқинда Огаҳий номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида керакли қисмлари ечиб олинган машина топилди. Маълум бўлишича, машина олиб қочилган. Бу ишга қўл урган кимса изсиз ғойиб бўлган. Жиноятчи қидирилаётган кезларда бир фуқаро ички ишлар бўлимига мурожаат қилиб, кунлардан бирида жиноят содир этилган хўжалик ҳудудида шубҳали кимса унинг машинасида машина эҳтиёт қисмларини Урганчга олиб борганини айтиб берди. Энг муҳими, машинани ёллаган мижозининг тушиб қолган манзилини ҳайдовчи эслаб қолган экан. Киракаш ҳайдовчининг синчковлиги ва фидойилиги туфайли жиноят фош этилди ва ўғри қилмишига яраша жазо олди. Бу ҳол фуқароларда ҳар қандай қинғирликка нисбатан муросасизлик ҳисси баландлиги, узоқ йиллар мобайнида амалда бўлган "сен менга тегма, мен сенга" қабилидаги ақидаларнинг барҳам топаётганидан далолат беради.

Шу боис эндиликда фаолиятимизнинг асосий қисмини одамлар билан мулоқот ва маслаҳатлашувларга, ўй-фикрлари, дилида кечаётган ҳис-ҳаяжонларни тинглашга йўналтираяпмиз. Чунки халқимизда қарс икки қўлдан чиқади, деган нақл бор. Фуқаролар маҳаллий ҳокимият кўмаги билан қадимий шаҳардаги барча маҳалла ва тумандаги ҳар бир қишлоқда жамоатчилик таянч пунктлари барпо этилди.

Бу билан аҳоли узоқ қишлоқ ва маҳаллалардан шаҳарга қатнаб, арз ва мурожаатлар билан келиш ташвишидан халос бўлишди. Муҳими, мазкур таянч масканлари айрим тартиббузарлик ва ҳуқуқбузарликларга шу жойнинг ўзида жамоатчилик кучи ва мадади билан барҳам бериш ҳамда омма осойишталигини кафолатлашга хизмат қилмоқда. Қишлоқ ва маҳаллаларнинг кекса отахону онахонларини ана шу таянч пунктларининг ишончи, суянчи ва мададкори десак, хато эмас.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, муқаддам қонун ва ҳуқуқ назоратчилари деярли якка ҳолда ҳаракат қилишар, айрим фуқаролар асослар етарли бўлмаса-да, шубҳа-гумонларнинг ўзи биланоқ жавобгарликка тортилар, жамоатчилик фикри эса бир четда қолиб кетаверарди.

Ҳозир эса маҳаллада ишлаб турган замонавий жиҳозланган намунали таянч пунктида ички ишлар ходимлари бирон-бир тадбирга қўл уришдан олдин, албатта, фуқаролар йиғини ва кексаларга мурожаат қилиб, маслаҳат ва йўл-йўриқлар олишади. Бу эса фуқароларнинг турмуш осойишталиги, янгиланаётган жамиятимиз тамойилларига нисбатан ишонч ва ҳурмати, ҳуқуқий онг ва маданиятнинг сезиларли даражада ортишга замин яратмоқда.

Кейинги пайтларда гиёҳвандлик, ўғирлик, диний мутаассиблик сингари иллатлар жамият ҳаётига хавф солаётгани ҳеч кимга сир эмас. Аммо аҳоли билан ҳамфикрлик ва ҳамкорлик ана шундай жиноятларга қарши курашда ҳам яхши самара бераяпти.

Ҳозирда туманимизда 50 га яқин халқ посбонлари гуруҳлари, ҳар бир қишлоқ ва маҳаллада маслаҳат кенгашлари ходимларимизга яқиндан кўмаклашмоқда. Ички ишлар бўлими қошидаги жамоат тартибини сақлаш бўлимига шахсий транспорт эгалари мурожаат қилиб, ўз машиналари билан эл осойишталигини таъминлашга қаратилган тунги навбатчиликларда қатнашишга тайёр эканликларини билдиришмоқда.

Ана шундай самарали ҳамкорлик натижасида туманда қотиллик, фирибгарлик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик сингари жиноий хатти-ҳаракатлар 30-70 фоизга камайди. Бу эса жамоатчилик назоратининг аҳамиятини кўрсатувчи муҳим далилдир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, эскича иш услубларига чек қўйиш, жамоатчилик билан кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйиш, давр ва қонун талабларида иш юритиш ҳар бир фуқаро ҳамда мутасадди ташкилотларнинг бурчи ҳисобланади. Ана шу бурч бажарилган жойда ютуқлар салмоғи ортиб бораверади.

Суҳбатдош:
Абдулла СОБИРОВ
"Инсон ва қонун" мухбири

Jinoyat va jazo

ОЛТИН ЖИЛВАСИ

Инсоннинг нафси ҳакалак отганда кўзига на қонун, на виждон кўринар экан. Олтин жилваси ва унинг савдосидан келадиган мўмай даромад илинжи тўрт боланинг онаси, вақтинча ҳеч қаерда ишламайдиган Санамхонни ўз домига тортган эди. Олтинлар жилваси замирида эса жиноят зоҳир эди. Йўқса, қирғизистонлик Санамхон Ғуломова кўп микдордаги олтин қоришмаларини божхона назоратидан яширинча олиб ўтиб, унинг савд